

Dunyoga umid bilan qadam qo'yib kelayotgan navnihol inson hayotdan munosib o'rnini topsa, turmushidan, taqdiridan, vatanidan rozi bo'lib yashaydi, umr bo'yi bunyodkorlik faoliyati bilan mashg'ul bo'ladi.

Islom KARIMOV



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqqan boshlagan 2004-yil 6-noyabr, shanba

№ 90 (7699)

## СПОРТ ҚИЗЛАРИМИЗ УЧУН ЖУДА МУҲИМ



Мазкур ўқув йилини рамазий маънода Универсиада мусобақалари билан бошланди дейиш мумкин. «Универсиада — 2004» спорт мусобақалари «Теннис маликаси» номинацияси голиби, Тошкент давлат иқтисодиёт университети 4-босқич талабаси Муаттар Абдухолиқова билан учрашганимизда 10 йилдан буён теннис билан шуғулланаётганлигини таъкидлаб, куйидагиларни гапириб берди:

### E'tirof

— Спорт нафақат йигитлар, балки хотин-қизлар ҳаётида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, соғлиқни мустаҳкамлайди, иродани тоблайти, ўзинга бўлган ишончингни оширади. Бундай фикр юритишимга асос бор. Ўн ёшимдан буён «Пахтакор» стадионига қатнайман.

Менга мураббийим Алла Ибрагимова теннис ўйинининг миридан сиригача ўргатиб, маҳоратли ўйинчи даражасига етказди. Республика микёсида хотин-қизлар ўртасида ўтказилган танловда учинчи ўринни эгалладим. Россияда бўлиб ўтган халқаро доирадаги мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб қайтдим.

Спорт, теннис ҳаётимнинг ажралмас қисми эканлигини кун сайин яна-

да теранроқ ҳис қилаяман. Кечагидек ёдимда, теннис машғулотларига қатнай бошлаган илк кезларимда отам менга иккита янги ракетка совға қилган эди. Қувончимнинг чеки йўқ, ўзимни кўйрга жой тополмасдим. Ўша ракеткалардан ҳамон фойдаланяпман. Гўёки улар менинг энг қадрдон ва севимли ҳамроҳимга айлангандек. Олдимга кўйган режаларим улкан, фақат сабр-тоқат билан ҳаракат қилишим лозим.

Мени кўпинча битта савол ўйлантиради. Нима учун ўзбек қизлари спорт билан шуғулланишга уялишади, баъзиларининг ота-оналари рухсат беришмайди ҳам. Ахир спорт соғлиқнинг гарови, буни инкор этганлар қаттиқ янглишади. Мен дугоналарим, опа-сингилларимнинг ана шу ҳақиқатга тик боқишларини жуда-жуда истар эдим. Чунки спорт билан шуғулланган қизларнинг нафақат соғлиғи, балки қомати ҳам мафтун этар даражада бўлиши барчага аён.

**Суратда: «Универсиада — 2004» спорт мусобақалари «Теннис маликаси» номинацияси голиби Муаттар Абдухолиқова.**

**Бурхон РИЗО олган сурат.**

## ҚЎШМА БУЙРУҚ ИМЗОЛАНДИ

Яқинда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги «Ўзбекистон ўқувчи-ёшларини тақдирлаш ва рағбатлантириш тўғрисида»ги 157-сон қарори, 2004 йил 25 октябрдаги 07-11-176 сонли хати асосида Республика умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадасини ўтказиш ҳамда халқаро олимпиадаларда иштирок этувчи Республика жамоалари аъзоларини танлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест марказининг «Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаларини ўтказиш ҳақида»ги қўшма буйруғи тасдиқланди.

Унда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси уму-

мий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадасини ўтказиш ва Халқаро фан олимпиадаларига иштирок этувчиларни танлаш тўғрисидаги янги тахрирдаги Низом тасдиқланади.

Қўшма буйруқ қабул қилиниши муносабати билан Халқ таълими вазирлигининг Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш Бош бошқарма-

### Rasmiy bo'lim

си, Республика таълим марказига Давлат тест маркази билан ҳамкорликда 2004 йилнинг 1 декабрига қадар мазкур «Низом» асосида Республика фан олимпиадаларини ўтказиш тартиби, тегишли тавсиянома ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жойларга етказиш, фан олимпиадаларининг куйи босқичларини ўтказиш жараёнини назоратга олиш вазифалари юклатилди.

Шунингдек, Умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва ри-

вожлантириш Бош бошқармасига 2005 йил 1 мартга қадар Республика фан олимпиадасининг якуний натижаларига кўра биринчи, иккинчи, учинчи ўринларни эгаллаган ўқувчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги «Ўзбекистон ўқувчи-ёшларини тақдирлаш ва рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорида белгиланган имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларни тайёрлаш чора-тадбирларини кўриш, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларига 2004-2005 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида умумтаълим фанлари бўйича олимпиадаларнинг барча босқичларини янги тахрирдаги Низом асосида ўтказиш шини таъминлаш вазифалари топширилди.

(Низом матни билан 8-9-саҳифаларда танишасиз).

ГАЗЕТАНИ  
ВАРАҚЛАГАНДА:

ЎҚИТУВЧИЛАР  
СУЛОЛАСИ —  
ВАЗИРЛИК  
ЭЪТИБОРИДА

4-бет

УМУММИЛЛИЙ  
ДАСТУР:  
ДАСТЛАБКИ  
САРҲИСОБ,  
ХУЛОСАЛАР ВА  
ВАЗИФАЛАРИ

7-бет

ҲОЖА АҲРОП  
ВАЛИЙ  
ҲИКМАТЛАРИ

11-бет

SO'NGGI  
UCH KUN  
MUJDALARI

### FARMOYISH

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «2005-2007 yillarda fermer xo'jaliklarini jadal rivojlantirishga qaratilgan takliflar tayyorlash bo'yicha maxsus komissiya tuzish to'g'risida»gi Farmoyishi e'lon qilindi.

### TABRIK

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov Rus madaniyat markazi tashkil etilganligining o'n yilligi munosabati bilan tantanali yig'ilish qatnashchilariga samimiy tabrigini yo'lladi.

(Davomi 2-betda)

## ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУХОКАМА ҚИЛИНДИ

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар, ўқув қуланмалари ва бадиий адабиётлар билан тулиқ таъминлаш Халқ таълими вазирлигининг доимий эътиборида турибди. Кеча Тошкент вилояти педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган “Дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш ҳамда улар билан эҳтиёж асосида ўқувчиларни таъминлаш муаммолари” мавзусидаги ўқув-семинари ҳам янги ўқув йилида ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш жараёнини такомиллаштиришга бағишланди.

Халқ таълими вазирлиги масъул ходимлари, республика Таълим маркази раҳбарлари, Осиё

Ривожланиш Банки, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот Агентлиги, “Шарқ” ва бошқа нашриётлар вакиллари, вилоят халқ таълими бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) халқ таълими бўлимнинг дарсликлар билан ишлаш бўйича мутасаддилари иштирок этган ўқув-семинарини

Халқ таълими вазирлиги умумтаълим мактабларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва ривожлантириш Бош бошқармаси бошлиғи Йулдош Асадов бошқариб борди.

Ўқув-семинар ишида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг биринчи уринбосари Рустам Ахлидинов иштирок этди ва сузга чиқди (*Ўқув-семинар хусусидаги батафсил ҳисоботни газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида ўқийсиз*).

МУХБИРИМИЗ

“Таълим тараққиёти” ахборотномасини ўқимаган, ундан фойдаланмаган халқ таълими ходимлари деярли топилмас керак. Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини чоп этиш билан ўз фаолиятини бошлаган мазкур ахборотноманинг махсус 7 та сонини бугунги кунда барча мактабгача ва умумтаълим муассасаларида, олий ва олийдан кейинги таълим муассасаларида, ҳатто мактабдан ташқари таълим муассасаларида ҳам кўплаб учратишимиз мумкин. Эндиликда таълимга оид барча меъёрий ҳужжатларни ўзида жамлаб, таълим ходимларининг “ён дафтари”га айланган ушбу ахборотнома аънаналарига содиқ ҳолда энг янги ва энг долзарб масалаларни ёритишни давом эттирмакда. Яқинда журналнинг навбатдаги 5-сонини нашрдан чиқди. У таълим тизимида катта ўзгаришларга асос бўлган ҳукумат қарорлари ва фармонларига бағишланди.

“2004 йил — Меҳр ва мурувват йили” деб эълон қилинган бўлса-да, бу йил айна вақтда халқ таълими ходимлари учун ислохотларнинг чуқурлашув йили бўлди. Бу йилда мамлакатимиз умумтаълим мактабларига алоҳида эътибор берилиб, тарихий ҳужжат - “2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини

амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (2004 йил 9 июл) 321-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари, 2004-2009 йиллар давомида умумтаълим мактабларининг эскирган биноларини бузиб, ўрнига янги мактаблар қуриш,

Мана учинчи йилдирки, ҳар бир ўқув йилига ном бериб уни бирон бир йўналишга қаратиш ва шу орқали ўша йўналишдаги муаммоларни бартараф этиш аънанага айланиб бормокда. 2004-2005 ўқув йилини “Мактабдан ташқари таълим самарадорлигини ошириш ўқув йили” деб эълон қилиш тўғрисидаги вазирлик буйруғи асосида дастур ҳам қабул қилинган. Мазкур ҳужжатлар ҳам журнал саҳифаларида берилди.

Obuna — 2005

қўшма қарорнинг тўлиқ матни ҳам журнал саҳифаларидан ўрин олган. Унда, шунингдек, қўшма қарор билан тасдиқланган Халқ таълими вазирлигининг Республика “Маҳалла” жамғармасининг 2004-2005 ўқув йилига мўлжалланган ҳамкорлик режаси, ҳамкорлик тадбирлари ва кўплаб бошқа муҳим ҳужжатлар эълон қилинди.

Жойлардан йўлланаётган айрим мактабларда “Таълим тараққиёти” ахборотномасини ўз вақтида ололмаётганликлари ёки унинг жойларга етиб бормаётганлиги ҳолатлари айтиб ўтилган. Фурсатдан фойдаланиб шуни таъкидлаш жоизки, республика бўйича матбуот нашрларига обуна асосан икки ташкилот — Матбуот тарқатувчи акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон почтаси давлат акциядорлик компаниялари орқали амалга оширилади. Юқоридагидек ҳолатлар юз берганда, аввало, шу ташкилотларнинг туман, вилоят бўлимларига, ҳал бўлмаган ҳолатларда республика ташкилотига мурожаат қилиниши лозим.

Агар бу масала ижобий ҳал этилмаса таҳририятга мурожаат қилинг. Таҳририят манзили: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-50-55, 136-56-77

Жаҳонгир МУСАЕВ

### Qaror va ijro

## МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР МАЖМУАСИ



уларни капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг асосий параметрлари, 2004-2009 йилда бюджет маблағларидан умумтаълим мактабларининг янги биноларини қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг аниқ рўйхати тасдиқланган. Ушбу қарор ва у асосида қабул қилинган Халқ таълими вазирлигининг ҳайъат қарорлари, буйруқлари журналдан ўрин олган.

Барча умумтаълим мактабларида болалар етакчилари фаолият кўрсатадилар. Улар фаолиятларининг ҳуқуқий асоси бўлган “Умумий ўрта таълим мактабларининг болалар етакчиси тўғрисида”ги Низом ҳам яқинда вазирлигининг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Халқ таълими муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қўшма қарори билан тасдиқланди. Мазкур

## УЧРАШУВ

Алишер Навоий номидаги Республика нафис санъат лицейида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов билан ўқувчилар иштирокда ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Унда ўзбек адабиётининг ютуқ ва камчиликлари, ижоддаги янги жанрлар тўғрисида адиб ва ўқувчилар жонли мулоқотда бўлдилар. Шунингдек, учрашувда иштирок этган шоир Саъдулла Ҳақим ўқувчи-

ларга учрашув қаҳрамонининг ҳаётида рўй берган қизиқарли воқеаларни ҳикоя қилиб берди.

Учрашувда лицейнинг ижодкор ёшлари ўз ижодларидан намуналар ўқиб, адибнинг синовидан ўтказдилар. Ёзувчи уларнинг ижодларига муваффақият билдириб, “оқ йўл” тилади.

Расул КУШЕРБОЕВ



Ватан. Бу сўзнинг куч-қудратини ҳис этиш учун киндик қони тўкилган тупроқни, элни севиш лозим бўлади. Қалби ана шундай ҳокисор туйғуга йўғрилган инсон ўзлигини англайди. Ўзлигини таниган шахсни эса, ҳеч қандай қора куч, ёт мафкура маг'lub этолмайди.

Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги Муҳаммад Юсуф номидаги 25-мактабнинг «Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари» фани ўқитувчиси Замира Қўчқорова дарслари замирида ана шу ҳикматлар ҳамиша устувор бўлади.

Суратда: изланувчан ўқитувчи З.Қўчқорова 5-синф ўқувчиларига “Ватан туйғуси нима?” мавзусидаги навбатдаги дарсни ўтмоқда.

Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат

### Taqdimot

Бугунги кунда ёшларнинг чет тилларини, хусусан, инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқиши жуда юқори. Хорижий тилни мукаммал эгаллаш учун эса табиийки, ўқув қўлланмалари ва луғатларга эҳтиёж сезилади. Ана шуни ҳисобга олиб, “Янги аср авлоди” нашриёти “Инглизча-ўзбекча луғат” чоп этди. Мазкур луғат инглиз тилида энг кўп қўлланиладиган 15 мингдан ортиқ сўзни ўз ичига олган бўлиб, сўзларнинг синоним ва антонимлари, грамматик хусусиятлари, бир неча маънолари ҳамда нотўғри феъллар рўйхати берилган. Луғат лотин алифбосида чоп этилган ва

## ЛУҒАТ ТУЗИШДА ТАЛАБА ИШТИРОК ЭТДИ

мактаб ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари ҳамда ўқитувчиларга мўлжалланган. Шуниси эътиборлики, муаллифлар Улугбек Исақов, Мансур Раҳимов, Бурҳон Собиров ва Шавкат Исақовларнинг икки нафари талаба, икки нафари ТДЮИда ишлашади. Луғатни яратишда эса улар устозлари кўмаги ва тажрибасига таянишган.

Яқинда Тошкент давлат юридик институтида ана шу луғатнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тўпланганлар мўъжазгина китобчани қизиқиш билан харид қилдилар. Муаллифлар луғат яратишдаги изланишлари ҳақида гапиришди. Шунингдек, маросимда Буюк Британиянинг “Макмиллан публишерс лимитед” компанияси томонидан ташкиллаштирилган ўқув адабиётлари ҳам намойиш қилинди.

Аброр МАШАРИПОВ

### SO'NGGI

### UCH KUN MUJDA LARI

### ELEKTRON BAZA

Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy Attestatsiya komissiyasi nomzodlik va doktorlik dissertatsiyalari himoyasini takomillashtirish maqsadida ilmiy ishlarning yagona markazlashtirilgan elektron ma'lumotlar bazasini tashkil etgan edi. Komissiya Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Respublikasi Milliy kutubxonasi bilan hamkorlikda mazkur kutubxonada ham ushbu tizim faoliyatini yo'lga qo'ydi.

Mazkur tizim olimlarga o'z sohasiga oid turli ilmiy ishlarni o'rganish, taqqoslash hamda ularni takrorlamagan holda yangiliklar bilan boyitish imkonini beradi.

### MURUVVATLI HOMIYLAR

Chirchiq shahrida 150 o'rinni Mehribonlik uyi qurib bittkazildi va barcha sharoitga ega yangi maskan bolajonlar ixtiyoriga berildi.

Muassasani qurish va ijlazlashda Chirchiqda faoliyat yuritayotgan korxonona va tashkilotlar ko'magi katta bo'ldi. Bugun yuzga yaqin bola shu yerda yashab, ta'lim-tarbiya olmoqda. Ular Mehr va muruvvat yilida homiylar ko'magini doimo his etib turibdilar.

2004 йил 20 сентябрда бошланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловолди жараёнларининг ўзига хослиги мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаолликнинг сезиларли даражада ўсишидир.

Бу нафақат сиёсий партияларнинг сайловолди фаоллиги, балки фуқароларнинг сайлов жараёнида қатнашишга бўлган қизиқишининг ортиб бориши билан ҳам муҳимдир. Сайлов ва сайлов қонунчилиги билан боғлиқ муаммоларнинг халқаро конференция ва семинарларда, давра суҳбатлари ҳамда халқаро форумларда мунтазам муҳокама қилиниши 2004 йил 26 декабрда бўлиб ўтадиган сайловлар халқаро ҳамжамиятнинг, Ўзбекистонда рўйхатга олинган дипломатик корпусларнинг, қатор хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган сайлов қонунчилиги ва замонавий сиёсий технологиялар бўйича мутахассисларнинг жиддий эътиборини жалб қилаётганидан далолат беради. Жумладан, 2004 йилнинг сентябрь-октябрь ойларининг ўзидаёқ Марказий сайлов комиссияси, Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегия ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат юридик институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамда Халқаро ва ноҳукумат ташкилотлари томонидан бир қатор мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамкорлигида шундай тадбирлардан бири, «Сиёсий партиялар ва сайловлар: жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистон қонунчилиги» мавзусида ташкил қилинган навбатдаги халқаро давра суҳбати 4-5 ноябрь кунлари кўҳна Самарқанд шаҳридаги Ёшлар Марказида ўтказилди. Мазкур давра суҳбатида Ўзбекистон Респуб-

ликаси Олий Мажлиси депутатлари, партиялар парламент фракциялари аъзолари, сиёсий партиялар, нодавлат ва ноижорат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари раҳбарлари ва фаоллари, шунингдек, дипломатик хизмат раҳбарлари, Буюк Британия, Германия, Италия, Россия, Украина, Япония ва бошқа мамлакатлардан келган сайлов қонунчилиги бўйича мутахассислар, маҳаллий, хорижий ҳамда ноҳукумат оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Шунингдек, Ўзбекистондаги халқаро ташкилот ҳамда жамғармалар, жумладан, БМТ, ЕХХТ, АҚШ миллий демократик ва Халқаро республика институтлари, «Фридум хоус» ташкилоти эк-

Давра суҳбати иштирокчилари сиёсий партиялар фаолиятидаги ютуқ ва муаммоларни хорижий тажрибалар асосида ўрганди. Шунингдек, сайловларда эркинлик ва адолатни таъминлаш, сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партия ва давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари масалалари бўйича кенг доирада фикр алмашилди.

Демократик сайловлар ўтказиш бўйича халқаро стандартлар ва Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигининг ўзаро мутаносиблиги, сиёсий партиялар фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилиш иштирокчилари сиёсий партиялар тузиши ва

ги қонуни демократик кўппартиявийлик тизими асослари туғрисидаги конституциявий қондаларни амалиётга татбиқ этиш механизмларини аниқлаб берди.

Мазкур қонун қабул қилиниши билан биринчи марта сиёсий партиялар олдида, Олий Мажлисида партия парламент фракциялари тузишдек аниқ мақсад пайдо бўлди.

Партия тузилишини такомиллаштириш ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг нуфузини оширишда 2004 йилда қабул қилинган «Сиёсий партияларни молиялаштириш туғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни катта аҳамият касб этди. Қонун молиялаштириш манбаларини ва асосий тамойилларини, маълумотлар очиклиги, молиявий ва

## МИЛЛИЙ ШАКЛ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР

бу борадаги мувофиқлик Самарқандда ҳам эътироф этилди

спертлари чиқиш қилдилар.

Давра суҳбати «Вакиллик демократия тизимида сиёсий партиялар: жаҳон тажрибаси ва унинг турли давлат бошқаруви шаклларида намоён бўлиши хусусиятлари», «Демократик сайловлар ўтказишнинг халқаро стандартлари ва замонавий сайлов тизимлари», «Сиёсий партияларнинг сайлов кампаниясида иштироки: стратегия ва тактиканинг умумий тамойиллари», «Сиёсий партиялар туғрисидаги қонунчилик: халқаро тажриба ва уни Ўзбекистонда қўллаш хусусиятлари», «Парламент сайловлари: сиёсий партиялар рақобати», «Сиёсий партияларнинг парламентдаги фаолияти ва уларнинг жамиятдаги таъсирини оширишнинг бошқа шакллари» каби олтита мавзудаги шўба мажлислари доирасида ташкил қилинди.

улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари, уларнинг жаҳондаги умумэътироф этилган фаолият механизмига мос келадиган тамойиллари, аъзолик ва эркин фаолият кафолати масалалари бўйича фикр алмашилди. Бунда фракцияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида ва партия гуруҳларининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларидаги фаолиятининг ҳудудий ва амалий жиҳатларига асосий эътибор қаратилди.

Ўзбекистонда партиялар фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базаси илгор халқаро тажриба асосида изчиллик билан шаклланмоқда.


1996 йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар туғрисида»

бошқа воситалардан мақсадли фойдаланиши, сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатаси ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига ўтказиладиган сайловларда иштироки ҳамда Низом асосидаги фаолиятини; фракцияларнинг Олий Мажлисидаги фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш масалаларини аниқлаб берди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 5 та сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда ва уларнинг барчаси Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари билан сайловларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Айни пайтда сиёсий партиялардан депутатликка номзодларни кўрсатиш жараёни ниҳоясига етмоқда. 2004 йил 23 октябрда тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбе-

Сайловга  
50 кун қолди



кистон либерал-демократик партиясининг, 30 октябрда «Адолат» социал-демократик партиясининг, 31 октябрда «Миллий тикланиш» демократик партиясининг сайловолди съездлари бўлиб ўтди. 2004 йил ноябрь ойи бошларида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва «Фидокорлар» Миллий демократик партияси съездларини ўтказиш белгиланган. Депутатликка номзодларни кўрсатиш билан бирга, партиялар ўзларининг сайловолди платформаларини ҳам эълон қилмоқдалар. Сиёсий партияларнинг жойлардаги ташкилотлари, ўз навбатида, давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларига депутатликка номзодларни кўрсатмоқдалар.

Давра суҳбати мажлисларида бошланган сайлов кампаниясининг бориши ва ўзига хосликлари атрофича таҳлил қилинди. Форум якуни бўйича Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги талабларини амалда қўллаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар қабул қилинди.

www.elections.uz. веб-сайтидан олинган материаллар асосида Шерзод АХМАТОВ тайёрлади.

## Saylov savodxonligi

### ПАРЛАМЕНТНИМА?

«Парламент» сўзи французчадан олинган бўлиб, «расмий сўзлашиш жойи» маъносини англатади. Парламент биринчи бор XIII асда Англияда давлат ҳокимиятининг вакиллик органи сифатида вужудга келиб, XVII-XVIII асрларда бошқа мамлакатларга ёйилди. Мустақил Ўзбекистоннинг парламенти эса, Олий Мажлис деб аталади. Парламент қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Қонун чиқарувчи ҳокимият органи — хорижий мамлакатларда, жумладан: АҚШ ва Лотин Америкаси мамлакатларида Конгресс, Буюк Британияда — Парламент, Россияда — Федерал кенгаш, Хитойда — Халқ вакиллари Буюк Хитой мажлиси, Германияда — Бундестаг, Швецияда — Федерал Мажлис, Украинада — Олий Рада деб номланади.

Сўнгги ярим аср мобайнида жаҳонда фаолият кўрсатаётган икки палатали парламентларнинг сони кўпайди. Бунинг асосий сабаби икки қутбли дунёнинг кулашидан кейин пайдо бўлган янги давлатларнинг аксарияти ўз қонун чиқарувчи органига бикамерализмни татбиқ этишидир.

Халқаро атамашуносликда **бикамерализм** икки палатали парламент деган, маънони англатади. Маълумки, демократик ҳуқуқий давлатларнинг аксариятида парламент икки палаталидир. XX асрнинг кейинги ўн йилликларида икки палатали парламентлар сони 45 тадан 75 тага кўпайди ва ҳозирги кунда уларнинг сони ортиб бормоқда. Масалан: бир қатор МДХ давлатларининг (Россия, Қозғистон, Белорус, Ўзбекистон) қонун чиқарувчи органлари бир палатали парламентдан икки палаталига ўтдилар ва ўтмоқдалар. Ўзбекистонда илк маротаба Президент Ислам Каримов 2000 йил 25 май кун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-

## БИКАМЕРАЛИЗМ ТАТБИҚИ

сининг иккинчи сессиясида қилган «Ўзгариш ва янгиланиш — ҳаёт талаби» номли маърузасида икки палатали парламент тузиш ғоясини илгари сурди. «Бизнинг жамиятимиз тез суръатлар билан ўзгарапти. Одамлар маънавий улғайиш йўлида илдам қадам ташляпти, бу узоқни кўзлаган сиёсатимиз, эзгу мақсад йўлидаги интилишларимиз натижасидир... Шу ҳолатларни назарда тутиб, мен доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизимига ўтиш таклифини киритмоқчиман», — деб алоҳида таъкидлаган эди Ислам Каримов. 2002 йил 27 январь кун итказилган референдумда халқимиз томонидан икки палатали парламентни тузиш масаласининг қўллаб-қувватланиши Олий Мажлисининг 2002 йил 4 апрелда «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари туғрисида»ги конституциявий қонуни қабул қилиниши учун асос бўлди. Унинг 4-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-

си қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи олий вакиллик органи бўлиб, у икки палатадан — Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (қуйи палата)дан ҳамда Олий Мажлисининг Сенати (юқори палата)дан иборат бўлади. Парламентнинг юқори палатаси — Сенат — юз нафар аъзо (сенатор)лардан иборат бўлиб, улар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланади. Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Олий Мажлисининг қуйи палатаси — Қонунчилик палатаси эса, ҳудудий, бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида сайланган бир юз йигирма нафар депутатдан иборат бўлади. Демак, Қонунчилик палатасидаги 120 ўринга мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 5 та партия ҳар бир сайлов округидан бир нафардан, жами 120 нафар ўз номзодини кўрсатиши мумкин. Шунингдек, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан ҳам ҳар бир сайлов округи бўйича биттадан, яъни 120 нафар номзод кўрсатилиши мумкин. Шу тарихда ташкил этиладиган ҳар бир сайлов округидан Қонунчилик палатаси депутати бўлиш учун 6 нафардан номзод кўрсатилиши мумкин. Ҳар иккала палатанинг ваколат муддати 5 йил.

С.ТУРҒУНОВ,  
Наманган ВПҚТМОИ ректори

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Туробжон Жўраев "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Қарорлар тайёрлаш миллий дастурида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури"да белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш, ўқитувчи касбини улуғлаш, нуфузини кўтариш ҳамда ўқувчи-ёшларни ўқитувчилик касбига йўналтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини ошириш, ўқитувчи обрў-эътиборини янада юксалтириш, умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган, нafaқада бўлган ва таълимга алоқадор бошқа муассаса ва ташкилотларда фаолият кўрсатаётган, сулоласи асосан ўқитувчи бўлиб ишлаган oilаларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш мақсадига "Ўқитувчилар сулоласи" анъаналарини ташкил этиш ҳақида"ги буйруқни имзолади. Унда қайд

# ЎҚИТУВЧИЛАР СУЛОЛАСИ – ВАЗИРЛИК ЭЪТИБОРИДА

этилганидек, таълим соҳасида меҳнат қилаётган, нafaқада бўлган устоз-мураббийлар меҳнатини қадрлаш, сулоласи асосан ўқитувчи-мураббийлардан иборат oilалар билан ишлаш бўйича вазирликнинг чора-тадбирлари тасдиқланди (Қуйида илованинг тўлиқ матни берилмоқда.)

Ушбу буйруққа кўра, Қарорлар ва педагог ходимларнинг малакасини ошириш бошқармасига республика бўйича сулоласи асосан ўқитувчи-мураббийлардан иборат oilалар, ўқитувчилар банкини яратиш ҳамда уни доимий равишда тўлдириб бориш, Ишлар бошқармасига "Ўқитув-

чилар сулоласи" анъаналарини, бу борада амалга оширилаётган тадбирларни, учрашувларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қилиш ва ёритиб бориш топшириқлари берилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири ва вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларига эса 1 ҳафта мuddатда мазкур чора-тадбирлар асосида ҳудудларнинг алоҳида ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда ўзларининг тадбирларини ишлаб чиқиш, 1 ой мuddат ичига таълим соҳасида меҳнат қилаётган, нafaқада бўлган ус-

тоз-мураббийлар меҳнатини қадрлаш, сулоласи асосан ўқитувчи-мураббийлардан иборат oilалар билан ташкил этиладиган тадбирларни мактаблар, маҳаллалар, туман, шаҳар ва вилоят миқёсида ўтказиш жадвалини ишлаб чиқиш, сулоласи асосан ўқитувчи-мураббийлардан иборат oilалар вакилларини маънавий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ишларига ҳудудлардаги ҳокимликлар, ҳомийлар маблағлари ва ёрдамларини жалб этиш чораларини белгилаш, ўтказилган ҳар бир тадбирни маҳаллий ва Республика оммавий-ахборот воситаларига мунтазам ёритиб бориш, сулоласи асосан ўқитувчи-мураббийлардан иборат oilалар, ўқитувчилар банкини яратиш ҳамда уни доимий равишда тўлдириб бориш, ўқитувчилар сулоласи тўғрисидаги ахборотлар (мақола, рисола, расм, видеотасвир, бошқа ҳужжатлар ва ёдгорликлар) банкини ташкил этиш вазифалари топширилди.

## Rasmiy bo'lim

### Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазириликнинг таълим соҳасида меҳнат қилаётган, нafaқада бўлган устоз-мураббийлар меҳнатини қадрлаш, сулоласи асосан ўқитувчи-мураббийлардан иборат oilалар билан ишлаш бўйича белгиланган чора-тадбирлари

T/p	Тадбир номи	Муддати	Масъул
<b>I. ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК ИШЛАР</b>			
1.1.	Худудларнинг алоҳида хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда "Ўқитувчилар сулоласи" билан ишлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш	2004 йил Ноябрь	ВХТБ, ТШХТБ, мактаблар
1.2.	Худудлардаги "Ўқитувчилар сулоласи" oilаларининг рўйхатини аниқлаш ва уларнинг банкини яратиш	2004 йил Ноябрь	ВХТБ, ТШХТБ, мактаблар
1.3.	"Ўқитувчилар сулоласи" oilаларидаги сулола бошланган шахсининг ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, неваралари тарғиботидаги ахборотларни тўплаш	2004 йил ноябрдан бошлаб	ВХТБ, ТШХТБ, мактаблар
1.4.	Таълим соҳасида меҳнат қилаётган, нafaқада бўлган устоз-мураббийлар меҳнатини қадрлаш, сулоласи асосан ўқитувчи-мураббийлардан иборат oilалар билан ташкил этиладиган тадбирларнинг мактаблар, маҳаллалар, туман, шаҳар ва вилоят миқёсида ўтказиш жадвалини ишлаб чиқиш	2004 йил Декабрь	ВХТБ, ТШХТБ, мактаблар
1.5.	Ўқитувчилар сулоласи тўғрисидаги ахборотлар (мақола, рисола, расм, видеотасвир, бошқа ҳужжатлар ва ёдгорликлар) банкини ташкил этиш ва уларни тўлдириб бориш	2004 йил ноябрдан бошлаб доимий	ВХТБ, ТШХТБ, мактаблар
1.6.	Ўқитувчилар сулоласининг ҳаёти ва иш фаолиятини акс эттирувчи кўргазмалар (фотоальбом, видеолавҳалар, яратилган ноёб рисолалар ва ёдгорликлар)ни ташкил этиш	2004 йил ноябрдан бошлаб доимий	ВХТБ, ТШХТБ, мактаблар
1.7.	Ҳозирда педагогик фаолият билан шуғулланаётган "Ўқитувчилар сулоласи" вакиллари иш тажрибаларидан "Устоз- шогирд" анъаналарини такомиллаштиришда фойдаланиб бориш	2005 йилдан бошлаб	ВХТБ, ТШХТБ, мактаблар
<b>II. ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ</b>			
2.1.	"Ўқитувчилар сулоласи" бошланган даврдан буён уларнинг педагогик фаолиятларидаги ижобий иш тажрибаларини ПҚТМОИнинг методика ва мактаб педагогика(методика) Кенгашида ўрганиб бориш	2005 йилдан бошлаб	ПҚТМОИлар, ТШХТБ, мактаб
2.2.	"Ўқитувчилар сулоласи" бошланган даврдан буён уларнинг педагогик фаолиятларидаги ижобий иш тажрибаларини ПҚТМОИнинг илмий, методик Кенгашида ўрганиш, тингловчилар билан учрашувлар, курсларда сулола вакилларининг кўргазмали машғулотларини ташкил этиш	2005 йилдан бошлаб	А.Авлоний номли ПҚТМОИ, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ПҚТМОИ
2.3.	"Ўқитувчилар сулоласи" фаолиятидаги илғор иш тажрибалари бўйича ўқув-услубий қўлланмалар яратиш	2005 йил июль- август	Республика Таълим маркази, ВХТБ қошидаги методика марказлари
2.4.	Маънавий-маърифий жиҳатдан мазмунан эскирмаган, "Ўқитувчилар сулоласи" аъзолари томонидан яратилган ўқув-методик қўлланмалардан дарс машғулотларида фойдаланиш чораларини белгилаш	2005 йилдан бошлаб	ТШХТБ, мактаблар
2.5.	"Ўқитувчилар сулоласи" томонидан яратилган ўқув-методик қўлланмаларни қайта кўриб чиқиш, нашр этиш	2005 йил август	Республика Таълим маркази, ВХТБ қошидаги методика марказлари
2.6.	"Ватан туйғуси", "Миллий истиқлол гоёси ва маънавий асослари" фанларини ўқитишда "Ўқитувчилар сулоласи" вакиллари иштирокидаги дарс машғулотларини ташкил қилиш	2005 йилдан бошлаб	ТШХТБ, мактаблар

<b>III. ИЛМИЙ-ТАДҚИКОТ ЙўНАЛИШИДА</b>			
3.1.	"Ўқитувчилар сулоласи" вужудга келишининг илмий-педагогик асосларини ўрганиш	2005 йилдан бошлаб	ЎзПФТИ, ВХТБ қошидаги мето- дика марказ- лари, ДПИ
3.2.	"Ўқитувчилар сулоласи" фаолияти давридаги ҳамда бугунги кундаги ўқув-методик ва таълим-тарбиянинг мазмуни бўйича муаммоларни қиёсий ўрганиш	2005 йилдан бошлаб	ЎзПФТИ, ВХТБ қошидаги мето- дика марказ- лари, ДПИ
3.3.	"Ўқитувчилар сулоласи"да ўқитувчи касбига йўналтириш ишларининг тадқиқи	2005 йилдан бошлаб	ЎзПФТИ, ВХТБ қошидаги мето- дика марказ- лари, ДПИ
3.4.	"Ўқитувчилар сулоласи" фаолияти ва иш тажрибаларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот мавзуларини белгилаш	2005 йилдан бошлаб	ЎзПФТИ, ДПИ
<b>IV. МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР</b>			
4.1.	"Ўқитувчилар сулоласи" oilа аъзолари ёки вакиллари билан ВПҚТМОИ, педагогика институтларида, вилоят, туман, шаҳар, маҳалла ва мактабларда учрашувлар ташкил этиш	2005 йилдан доимий	ПҚТМОИ, ТШХТБ, мактаблар, ДПИ
4.2.	Умумий ўрта таълим мактабларидаги тарбиявий соат машғулотларига "Ўқитувчилар сулоласи" вакилларини таклиф этиш ва уларнинг тарбиявий йўналишдаги иш тажрибаларидан фойдаланиш	2005 йилдан бошлаб	Умумий ўрта таълим мактаблари
4.3.	"Янги йил", "Наврўз", "Мустақиллик", "Билимлар кунини", "Ўқитувчилар сулоласи"нинг эсдалик, ёдгорликларидан тантаналарига ўқитувчилар сулоласи аъзоларини таклиф этиш	2005 йилдан бошлаб саналар бўйича	ВХТБ, ТШХТБ, мактаблар
4.4.	Ўқитувчилар сулоласи oilаларидан хабар олиш, уларга ёрдам кўрсатиш ва oilаларига ўқувчи-ёшларнинг ташрифларини уюштириш	Доимий	ВХТБ, ТШХТБ, мактаблар
4.5.	Туман, шаҳар ва мактаблар музейларида "Ўқитувчилар сулоласи"нинг эсдалик, ёдгорликларидан фойдаланиш	2005 йилдан бошлаб	ВХТБ, ТШХТБ, мактаблар
4.6.	Энг намунали "Ўқитувчилар сулоласи" анъанасининг давомчиси, энг намунали педагоглар oilаси, "Педагоглар oilаси — фахрли oilа" танловларини ташкил этиш	2005 йил Май-июнь	ТШХТБ, мактаблар
4.7.	"Ўқитувчилар сулоласи"нинг эсдалик, ёдгорлик, рисола ва қўлланмаларининг кўргазмаларини ташкил қилиш	2005 йилдан	ВХТБ, ТШХТБ, мактаблар
<b>V. МОДДИЙ-МАЪНАВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ</b>			
5.1.	"Ўқитувчилар сулоласи" oilаларининг яшаш шарт-шароитларидан хабар олиш ишларини ташкил этиш	2004 йил декабрдан бошлаб доимий	ВХТБ, ТШХТБ, мактаблар
5.2.	Сулоласи асосан ўқитувчи-мураббийлардан иборат oilалар вакилларини маънавий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ишларига худудлардаги ҳокимликлар, ҳомийлар маблағлари ва ёрдамларини жалб этиш чораларини белгилаш	2005 йилдан бошлаб	ВХТБ, ТШХТБ, мактаблар
5.3.	Ногирон фарзандлари бўлган "Ўқитувчилар сулоласи" oilаларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ишларини ташкил қилиш (кийим-бош, дарсликлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва пул маблағлари)	2004 йил декабрдан доимий	ВХТБ, ТШХТБ, мактаблар
5.4.	Ҳозирда педагогик фаолият билан шуғулланаётган "Ўқитувчилар сулоласи" вакилларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш	2005 йилдан бошлаб доимий	ВХТБ, ТШХТБ, мактаблар



миллий кўшиқчиликда ўз ўрнига эга. Бугунги кунда ана шу устозлар ишини давом эттириб, кўшиқчилик санъатида ўз ўрнини топиб, эл-юрт хурматига сазовор бўлаётган санъаткорлар ҳам талайгина. Улардан бири Ўзбекистон халқ артисти Замира СУЮНОВАдир. Замира опа билан "Меһмонхона" мизда қилган суҳбатимиз тарбия масалалари ва унда санъаткорларнинг тутган ўрни хусусида кечди.

— Замира опа, инсонга ва айниқса, санъаткорга ижодий жараёнда куч, баъзан оддий манбаларни берадиган нарсани унинг хотиралари, шундай эмасми? Сизнинг ҳаётингизда хотиралар, айниқса болалик, ўйинқароқлик даври қандай ўрин тутди? Мактаб давларингизни тез-тез ёдга олсангизми?

— Менинг болалигим Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида, тоғу тошлар, қир-адирларда қолган. Дугоналарим билан поданинг ортидан юришимиз, тўпланишиб ашулалар хиргойи қилишимиз, уларнинг ҳоли-жонимга қўймай кўшиқ айтишимни сўрашлари ҳеч эсимдан чиқмайди. У даврларнинг гашти ўзгача эди. Мактаб даврига келадиган бўлсак, ўша пайтдаги Беруний номидаги мактабда 5-синфга ўқиганман. Биринчи устозим Абдуллаев деган ўқитувчи эдилар. Ҳатто отини билмайман. Чунки бизнинг давримизда "Абдуллаев муаллим" дейиларди, тамом. Шу кишидан илк сабоқни олганман. Ҳамма қатори ўқувчи эдим. Энг кўп эсимга тушадиган нарсаси — бизнинг ёзги таътилда болалар оромгоҳида дам олишимиз эди. Ўша пайтда ҳар бир гуруҳ болалари ошхонада галмагалдан навбатчилик қилишарди. Менинг галим келганда доим ҳар хил тадбирларга кўшиқ айтгани олиб боришарди ва навбатчиликдан озод бўлиб қолардим. Отам Ражаб ака Суюнов ўзи тил ва адабиёт ўқитувчиси эди. Мактабимизда мусиқа ўқитувчиси йўқлигидан, мусиқадан ҳам дарс берарди. Менга кўшиқчиликдан дастлаб отамнинг ўзи устозлик қилган. Кейин Норгул деган опам бор эди (иккалаларини ҳам худо раҳмат қилсин). Жуда ақли, билимдон, зеҳни ўткир эди. Шу опам кўшиқ айтишни ўргатарди.

Бешинчи синфга ўтганимизда мендан икки ёш катта Зулфия опам иккаламизни дадам Тошкентга — Глиэр номидаги республи-

Ўзбек миллий анъанавий кўшиқчилик санъатининг ривожланишида бу соҳада ижод қилган санъаткорларнинг хизматлари беқиёсдир. Айниқса аёл санъаткорлар миллий кўшиқчиликнинг тараққий этишида, дунёга танилишида ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшганликларини яхши биламиз. Ҳалима Носирова, Тамарахоним, Берта Давидова, Коммуна Исмоилова, Саодат Қобулова, Ҳабиба Охунова каби санъат даргалари ана шулар жумласидандир. Уларнинг ҳар бири

ка мусиқа мактаб-интернати-га олиб келди. Зулфия опам созандалик, мен эса мусиқа назарияси синфида ўқидим. Бу ерда мен кўшиқчиликни ўрганмадим, биров устозлик ҳам қилмади. Секин-аста

Замира СУЮНОВА:

## «ҲАР ДАВРНИНГ ЎЗ ТАРБИЯ УСУЛЛАРИ БОР»

юқори синфларга ўтганда, болалигимда биладиган кўшиқларимни ҳам унута бошладим. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир куни уйга меҳмонлар келган эди, дадам мени чақириб бирорта ашулани хиргойи қилиб беришимни сўради. Айта олмаганимни кўриб қаттиқ ранжиди. Чунки мени Тошкентга, интернатга, "қизим машхур кўшиқчи бўлсин" деган ниятда олиб келган эди-да. Мусиқа мактаб-интернатини битириб, консерваторияга ўқишга кирдим. Яна кўшиқчиликка эмас, хор дирижёрлиги факультетида ўқидим. 1999 йилда Ўзбекистон халқ артисти Фанижон Тошматов дуторчи қизлар дастасига танлов ўтказиб берган эди. Биз ҳам опам билан танловда қатнашдик. Устоз мени эшитиб кўриб бастакор Дони Зокировга рўбарў қилди. Опамга эса "Синглингиз, эл танийдиган яхши кўшиқчи бўлади", деганди.

— Мухлисларингиз сизни нафақат кўшиқларингиз учун, балки рисоладагидай, оғир-босиқ бўлганлигингиз, айниқса одоб меъёрларига ҳаммиса амал қилганингиз учун ҳам алоҳида хурмат қилади, қадрлашади. Айтинг-чи, тарбияга ташқи кўриниш, мавқе, машхурликнинг таъсири борми?

— Албатта. Санъаткорлик вазифаси фақат ўз ишини қанчалик уйдалагани билан белгиланмайди. Яъни, фақат

ижрочилик муҳим эмас. Шунингдек, ташқи кўриниш, кийиниш, соч турмаклаш, пардозларнинг ҳам тарбиявий аҳамияти алоҳида. Чунки биз ҳаммиса халқнинг диққат-эътиборида бўламиз. Шунинг учун ҳам санъаткор ўзига халқнинг кўзи билан қараб, талабчан бўлиши керак. Ҳа, кўпинча, айниқса оналар фарзандининг менга ўхшашини хоҳлашини айтишади. Ич-ичимдан хурсанд бўламан. Чарчоқларим эсдан чиқади шундай пайтда. Демак, кимгадир намуна, ўрнак бўлаётган эканман. Ана шу масъулиятни ҳис қилиб туриш керак, деб ўйлайман. Шу маънода санъаткор фақат эстетик завқ берувчи эмас, балки тарбиячи ҳам эканлигини тан оламан.

— Тарбия масаласида устозларингизнинг тутган йўлидан қанчалик фойдаланасиз? Уларнинг тарбия усуллари бугунги фаолиятингизда мурожаат қиласизми?

— Мен марҳум санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Фа-

вазифани адо этяпман. Шунингдек, оилада фарзандларим билан ҳам кўпроқ бўляпман.

— Оилада фарзандлар тарбияси катта масъулиятни талаб қилади. Қолаверса, уни ижод билан бирга олиб бориш жуда мушкул. Кўп санъаткорлар ҳар иккисини ҳам бирдай олиб кетолмайди. Шу боис, баъзан бирининг бахридан ўтади. Шу маънода айтайлик, фидойи санъаткор учун оиланинг аҳамияти қай даражада?

— Тўғри, оила жуда катта масъулият талаб этадиган муқаддас гўша. Мен санъаткорликни танлаганимда ҳали турмушга чиқмаган эдим. Шунинг учун ўша пайтда мен учун ишим, ижодим муҳим эди. Ҳатто турмуш қуришни ҳам санъатга, ижодимга халақит бермайдиган тарзда режалаштирганман. Аммо оила қурилгандан кейин менинг назаримда қайси бирини танлаш керак, деган савол ноўрин. Қандай

ишда ишламайлик, қанчалик машхур бўлмайлик, оила муҳимроқ. Мисол учун фарзанд деб вақти келса саҳнадан, муҳим сафардан кечардик. Ҳатто боргимиз келганда ҳам болаимиз ёш бўлгани учун қолардик. Аммо турмуш ўртоғим Абдурахмон ака ҳам санъаткор бўлганлиги учун мени тушунарди. Икки фарзандимиз — бир ўғил, бир қизимиз, бир набирамиз бор. Қизим Зилола 19, ўғлим Абдуллоҳ 14 ёшда. Улар ўзларини эплаб қолишди. Ҳозир кўпроқ набирам Шахризоданинг парвариши билан машғулман.

— Ёшлар ҳақида гап кетганда катталар уларни кўпроқ танқид қилади, тарбиясизликда айблашади. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Йўқ, ёшларнинг ҳаммасини ҳам тарбиясиз деб бўлмайди. Тарбия ҳақида гап кетганда, аввалги даврни намуна қилишади. Аммо ҳамма даврда ҳам тарбиялилар ва тарбиясизлар бўлган. Агар ёшларнинг Европага тақлид қилишини ҳисобга олганда, уларни тарбиясиз деб бўлмайди. Агар эътибор берсангиз, уларга бўладиган танқидий фикрлар айнан кийинишларига бориб тақалади.

— Ёшлар тарбиясида сиз илган ва сизни ташвишлантирган ҳолатлар борми? Бўлса, у нималарда кўзга ташланади?

— Умумий манзарада бир-



бирига тақлид кучли. Мен илган ва мени ташвишлантирган нарсаси, ёшларнинг дангаси бўлиб бораётганлиги, жисмоний меҳнатдан узоқлашаётганидир. Бунинг олдини олиш керак.

— Санъатга қизиққан ва фарзандида мусиқага мойиллик борлигини сезган ота-оналар боласини мусиқий билимлардан хабардор қилиш учун мусиқа мактабига, айниқса, кўпчилик фортепиано синфига беради. Бу миллий мусиқачиликни ўрганишга таъсир этмайdimи?

— Тўғри, бунга сабаб кўп. Мусиқа мактабларида таълим йўналиши ҳали ҳам эскича усулда. Унга кўра фортепиано ҳамма ўрганишга мажбур. Чунки мусиқа назариясида ҳамма нарсаси фортепиано ижроси билан боғлиқ бўлади. Кейин мусиқа мактабларида 5-синфдан миллий чолғу асбобларига олишади. Балки ҳамма ота-оналар ҳам билмас бунини. Шунинг учун айрим ота-оналар эса, боласининг қизиқиши, хоҳишини эътиборга олмасдан, ўзлари тушунмасдан ўша созга беради. Қолаверса, мактабларнинг ҳар бир чолғу асбобларини чалишга ўргатишда, ҳар бир чолғуга қабул қилишда муайян сонли ўқувчи олинади. Бу ҳам хоҳиш-иродани чеклайди. Шу сабабли миллий чолғуни ўрганишга келганларнинг кўпчилиги орган, виолончель, скрипка каби миллий бўлмаган созларни чалишга ўтиб кетади. Ўзим ҳам худди шундай бўлганман. Дадам мени кўшиқчи бўлсин деб Тошкентга олиб келган. Лекин мен мактаб-интернатда хор дирижёрлик бўлимини тугатдим. Мусиқа саводи мукамал бўлса зарар қилмайди, бу менга фойда бўлди. Бир томондан ҳозиргидан кўра кўшиқ айтиш имконияти каттароқ бўлармиди. Кўп нарсаси, яъни ўз даврида айтиш мумкин бўлган кўшиқларни айтишга улгурмадим. Шунинг учун боланинг дидини тўғри тарбиялай олиш ҳам жуда муҳим.

— Газета муштарийларига тилакларингиз.

— Газета ўқитувчилар нашри. Шунга қарамай, унинг мухлислари яна ҳам кўпайишини тилардим. Чунки газетангиз саҳифаларида ранг-баранг тарбиявий мавзуларда мақолалар босилади. Бу эса, муштарийларга жуда асқотади. Газетанинг ходимларига қийин бўлса керак, деб ўйлайман. Шунинг учун заҳматли меҳнатларида кучқувват тилайман.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Назира ҚУРБОН қизи суҳбатлашди.

Мақтабда ўқиб юрган кезларимизда ўқитувчиларнинг йўқлама қилар пайти исми-шарифимизни айтганда, ҳар биримизнинг партадан туриб, "Мен" деб борлигимизни билдириш қандайдир масъулиятли эди. Дарсга бирор сабаб билан келолмаган ўқувчиларга минус белгиси қўйилар, келгуси машғулотада ўқитувчи билан юзма-юз бўлганда, ўша бола хижолат бўлмай иложи йўқ эди. Худди шундай анъана ҳозир ҳам давом этиб келяптики, ўқувчи ёки талабанинг дарсга иштирок этиши ўзлаштиришга рад этиб бўлмас даражада таъсир қилиши кундек равшан. Айримлар давоматнинг тўлиқлиги таълим сифатидаги биринчи мезон эмас, деб ҳисоблашлари мумкин. Ва шундай пайтда ишлаб чиқилган, тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган ўқув дастурлари, режалар, стандартлар ўқувчи ва талабанинг ўзлаштириши учун мўлжалланар экан, агар у дарс ва машғулотларга қатнашмаса, қандай қилиб ўша мақсадга эришиш мумкин, деган савол кўндаланг бўлмайди-ми? Мақтабдан фарқли ўларок, институт ва университетлардаги дарс ва семинарларда талабанинг тўлиқ иштирок этиши бурч ва вазифа сифатида белгиланса ҳам, уларда ихтиёрли равишда ёки турли хил сабаблар билан қатнашмаслик ҳолатлари ҳукм суради. Шу боис ҳам олий ўқув юртларида бир-бирига жуда боғлиқ бўлган давомат ва ўзлаштиришда юз фоиз кўрсаткичга эришиш амри маҳол. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ҳайъат йиғилишларидан бирида Тошкент Молия институтининг давомат ва ўзлаштириши анча юқори эканлиги қайд қилинди. Яъни, ўтган 2003-2004 ўқув йилида ўзлаштириш 96-98 фоизни ташкил этган. Таълим серқирра, мураккаб, кўпчиликнинг фаол иштирокини талаб қиладиган соҳа эканлиги, энг асосий эътибор ўзлаштиришда юқори натижага эришишга қаратилганлиги нуқтаи назаридан, балки институтни бу ютуғи билан олқишлар керакдир. Қандай қилиб талабалар оммаси умумий мақсадга жалб қилинди? Саволга жавоб топиш анча чигал, шундай бўлса ҳам бунинг уддасидан чиқишга уриниш керак.

Биринчи курсга қабул қилинган талаба ҳали бу ердаги ўқитиш тизими билан деярли нотаниш. Ўқув режасидаги фанлар бўйича дарс бера бошлаган ўқитувчилар уларга **жорий, оралик ва якуний баҳолаш**нинг мазмун-моҳиятини тушунтиришади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Олий таълим муассасаларида тала-

балар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида намунавий Низом"и ўзлаштириш ва давомат жараёни учун асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Бунга кўра, 86-100 фоиз — "аъло", 71-85 фоиз "яхши", 56-70 — "ўрта", 55 фоиздан кам "қониқарсиз" қилиб белгиланган. Ана шу кўрсаткичлар биринчи босқич талабаларига етказилади, бошқа босқичларда эса бунга ҳолат йўқ.

Маълум муддат ўтиб, биринчи босқич талабаси англаб етдики, дарсга доимий қатнашиш, ўқитувчи билан муносабат ўрнатиш, ўз биланлари ва тушунчалари бўйича баҳс-мунозарага киришиш унинг учун балл тўплашдаги катта имкониятдир. Сентябрь, январь ойлари унинг учун мослашиш даври ҳам дейилади. Биринчи ва иккинчи семестр даврида у жорий, оралик, якуний баҳолаш нима эканлигини ва булар фақат ўзининг тўлиқ иштирокига боғлиқлигини тушуниб етди. Институтда ҳам, барча олий таълим муассасаларидаги сингари

аввалдан масъулият ва қизиқиш уйғотади. Чунончи, учинчи босқични олиб қарайдиган бўлсак, 26 та фан бўйича тузилган саволномалар илк дарсдаёқ талабаларга тарқатилади. То бу фан бўйича якуний рейтинг топширгунга қадар бўлган муддатда талаба ўша саволларга жавоб излайди, тайёргарлигини пухта қиладди. Айниқса, мутахассислик фанлари бўйича тузилган саволлар анча чуқур ва кенг қамровлики, бунда талаба фақат илмий адабиётларга эмас, балки энг сўнгги ахборот манбаи бўлган интернетга ҳам мурожаат қилиши талаб этилади. Хусусан, IV-босқичда ўтиладиган "Суғурта иши" фанидан 120 та савол тақдим этилади. Шу фанга алоқадор мамлакатимиз миқёсидаги фармон, қарор ва қонунлардан талаба, албатта, хабардор бўлиши лозим ва бу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича ҳам маълумот тўплади. Иккинчидан эса, шу фан бўйича нашр қилинган дарслик ва қўлланмаларни излаб топади. Интернетдан суғуртага оид сайтларни то-

га маълум даражада Олий ва ўрта махсус ҳамда Молия вазирликларининг 2004 йил 16 апрелдаги 1339-сонли қўшма буйруғи ҳам замин тайёрлади. Ҳар иккала вазирлик томонидан қабул қилинган "Олий таълим муассасалари талабаларига стипендияни тайинлаш ва тўлаш тартиби ҳамда йўриқномасини тасдиқлаш тўғрисида"ги қўшма қароридан талабаларга стипендияни табақалаштириб бериш ўз аксини топган. Ҳозирги вақтда бу буйруқнинг мазмун-моҳиятидан биринчи курс талабалари ҳам хабардор. Улар то биринчи сессияни топшириб бўлгунларига қадар бир хил миқдордаги стипендия олишади. Ана шу қарорнинг кучга кириши натижага ўларок, институтимиз талабаларининг 26,8 фоизи "аъло", 33,5 фоизи "яхши", 17,5 фоизи "қониқарли", 42,4 фоизи аралаш баҳоларга ўқишмоқда. Айниқса, молия-иқтисод ва бошқарув факультетларида дарс қолдирувчи, кечикувчи ва паст баҳога ўқувчи талабалар жуда кам, дейди таълим жараёнига тала-

## Tahlil

сасаларидаги ўқув, тарбиявий, илмий, маърифий жараённи тартибга солувчи, мувофиқлаштирувчи, зарурий йўл-йўриқ ва маслаҳатлар берувчи Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан чиқарилаётган буйруқ ва низомларнинг асл мақсади ҳам шу: институт ёки университетда ўқиётган талаба ўз соҳасини ҳар жиҳатдан пухта, чуқур эгалласин. Бунинг учун эса у дарсларда тўлиқ иштирок этиши керак. Шу ўринда вазирликнинг 12 соат дарс қолдирган талабадан тушунтириш хати олиш ва оқоҳлантириш, 18 соатлик дарсда иштирок этмаган талабанинг ота-онасини чақиртириб, унинг сабабларини аниқлаштириш 30 соат дарс қолдирганларни ўқишдан четлаштиришга доир буйруғи ҳам катта аҳамиятга эга бўлаётганини таъкидлаш керак. Узрли ҳолатлар — касал бўлиб қолиш, бошқа кўнгилсиз ҳолатларга кўра, кўшимча равишда ўзлаштириш графиги белгиланиши ёки академ таътил берилиши мумкин. Институтда ана шу буйруққа зид иш тутган талабаларга нисбатан тегишли чоралар қўлланилмоқда.

... Беш қўл баробар эмас, яъни талабалар оммасининг ўқишга, илм эгаллашга, профессор-ўқитувчиларнинг дарс бериш методикасига, амалий машғулотларга муносабатини ҳам бир хил дейиш қийин. Аммо улар олдида қўйилган талабнинг ягоналиги ва бу келгусида улар фаолиятида сув ва ҳаводек асқотиши нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, талабанинг дарсга кечикмасдан, фаол иштирок этиши икки томонлама ютуқ келтиради. Зеро, давоматга виждонан муносабатда бўлиш ўзлаштиришнинг юқори даражада таъминланишига шароит туғдиришини ҳар бир талаба англаши лозим. Уларда бундай муносабатни шакллантириш эса институт ректорати, кафедралар, факультетлар зиммасига тушишини ҳам унутиб бўлмайди. Тошкент молия институтининг раҳбарияти — шаҳсан ректор, ўқув ва методик ишлар бўйича унинг ўринбосари, ўқув бўлими, илмий кенгаш, факультет, турли хил жамоат ташкилотлари ҳамда марказларнинг бир мақсад йўлидаги маслақдошлиги, баҳамжихатлиги, юқорида таъкидлаганимиздек, таълимдаги сифатни таъминламоқда.

**Х. ТҲИМАНОВА,**  
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

## ДАВОМАТ ВА ЎЗЛАШТИРИШ

уларни бир-бирдан ажратиб бўлмаслигини  
Тошкент Молия институти педагогик жамоасигина эмас,  
балки талабалар ҳам теран англашмоқда

жорий ва оралик баҳолашда ёзма иш, тест, реферат каби усуллардан фойдаланилмоқда. Ҳар бир профессор-ўқитувчининг аниқ ўқув юкмаси тақсимоти амалга оширилади. Маъруза машғулотларини муайян курс талабаларини тўла қамраб оладиган потокларда ўтиш режалаштирилган ва бунда факультетларнинг мавжуд аудитория сифими инобатга олинган. Бакалаврият босқичида биринчи курсдан сўнгги босқичга қадар бўлган даврда давлат ўқув режасидаги фанлар 60 тани, магистратурада эса 20 дан зиёдни ташкил қиладди. Бу эса ҳар бир талаба ёки магистрантининг ўша фан бўйича эгаллаши зарур бўлган билим ва малакалари ҳам нақадар кўплигидан далолат беради. Ҳар бир фан ҳали талабага анча-мунча номаълумлиги нуқтаи назаридан қарасак, унинг илк машғулотида миқдори турлича бўлган саволноманинг ҳавола этилиши

пиш ҳам ушбу саволноманинг битта бандидир. Суғурта мавзусига оид мақола муаллифи бўлиб, республикамиз газетажурналларида кўринмаса, бу ҳам талабанинг рейтинг балига салбий таъсир кўрсатади. Ҳафтанинг олти куни мобайнида факультетлар, босқичлар бўйича дарс жадваллари икки, уч, баъзан тўртта жуфтликдан иборат қилиб тузилади. Табиийки, соат 8<sup>30</sup> дан бошланиши керак бўлган дарсга барча талабалар ҳам вақтида етиб келолмайди. Дарсга 5-10 дақиқа кечикканлар, албатта, ҳаммининг диққат-хаёлини бўлади. Шу боис бундай талабалар зудлик билан декан муовинига жўнатилади. Муовин ундан кечикки сабабини сўраб-суриштириб, тушунтириш хати олади. Талаба тушунтириш хатини ёзгач, мумкин қадар иккинчи бор кечикмасликка ҳаракат қиладди. — Давомат ва ўзлаштиришнинг ижобий томонга ўзгариши-

баларнинг умумий иштироки ҳақида ўқув ишлари бўлими бошлиғи Т.Боймуродов. Давомат ва ўзлаштиришда охириги семестр бўйича 97,5 фоиз натижага эришган молия-иқтисод факультети декани, Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, профессор Зокиржон Йўлдошев шундай деди: — Талабалар билан тарбиявий ишларни ўз вақтида таъсирли ташкил этишга эътибор қаратяпмиз. Kimki, 12 соат дарс қолдирса, гуруҳларда муҳокама қилинади, оқоҳлантириш ёки ҳайфсан берилади. Агар бу ҳол яна такрорланса, ота-онасини чақирамиз. Масъулиятсизлик, ўз-ўзига нисбатан хурматсизлик мутассил давом этаверса, бундай талаба талабалик сафидан чиқарилади. Ўтган ўқув йилларида 15 талабанинг ўқишдан четлатилгани бошқалар учун сабоқ вазифасини ўтапти. Дарвоқе, олий таълим муас-

Истикболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш ҳамда тажриба алмашув тизимини такомиллаштириш борасида ташкил этилган "Истеъдод" жамғармасида профессор-ўқитувчиларни мақсадли малака оширишга кенг жалб қилиш доимий жараёндир. Жамғармада бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар "Маънавият ва маърифат", "Инновацион технологиялар", "Ахборот технологиялари ва масофали ўқитиш" йўналишлари бўйича 120 соатлик курсларда малакаларини оширишмоқдалар. Курсларни яхши ўзлаштирган ва дарсларда фаол қатнашган тингловчиларга ривожланган мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртлари ва илмий марказларида мақсадли малака ошириш имконияти яратилади.

Курслар интерфаол методлар, тренинг, шунингдек, компьютер техно-

## ЖАМҒАРМАДАН ТИНГЛОВЧИЛАР АРИМАЙДИ

логиялари асосида ўтказилапти. Нуфузли олий ўқув юртлари, Фанлар Академияси ва бошқа илмий марказларнинг кўзга кўринган профессор-ўқитувчилари ва олимлари томонидан маърузалар ўқилипти.

Жамғарманинг масофали ўқитиш марказида Россиянинг ахборот жамиятини ривожлантириш, Москва давлат электроника ва математика

институтларининг бир қанча курслари иш олиб боради ва тингловчиларга тегишли сертификатлар берилди.

— Жамғарма-мизда пойтахт олий ўқув юртларининг техника йўналишидаги кафедра мудири ва салоҳиятли профессор-ўқитувчилари бир ой муддатда Масъусете технология институтининг очик курслари бўйича компьютерли

таржимондан фойдаланган ҳолда малакаларини оширдилар, — дейди ижрочи директор, профессор А.Пардаев, — уларнинг олган билимлари асосида Америка ва Ўзбекистонда ўқитиладиган курслар қиёсий таҳлил қилиниб, тўплам кўринишига келтирилди. Айни вақтларда уни чоп этиш ва олий ўқув юртларига тарқатиш мўлжалланаяпти.

Умуман, жамғарманинг ютуқларидан кўпга мисоллар келтириш мумкин. Мутахассис ва олимларнинг малакасини оширишга доир янги иш режалари талайгина. Франция, Германия, Дания, Япония, Россия, Малайзия каби мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртлари билан тажриба алмашув борасида ҳам шартномалар тузиб қўйилган.

**Юсуф ХАМДАМОВ,**  
ЎзМУ доценти

Qaror va ijro

Таълим ва келажак — эгизак тушунчалар. Уларнинг би-рини иккинчисисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Демакки, эртанги кун ҳақида қайғурган киши таълим-тарбия маса-ласига юзланмаслиги дарғумон. Юртимиз таълим тизими-да олиб борилаётган бугунги ислохотлар замири, маъно-моҳиятида ҳам эртанинг ташвиши борлиги аён. Хўш, ўқув-чиларнинг сифатли таълим олиши, яъни келажакка мус-тахкам пойдевор қўйиш учун бугунги кунда қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

Дарҳақиқат, газетанинг ўтган сонидеда “2004-2009 йил-ларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умум-миллий дастури тўғрисида”ги Президент фармони, унинг ижросига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари асосида таълим соҳасида беш йўналишда олиб борилаётган ишларнинг дастлабки юзасидан ўтган вақт мобайнида амалга оширилган тадбирлар, бажарилажак вазифаларга тухталган эдик. Бу гал эса кейинги йўналиш — таълим тизимида қўлланилаётган ўқув стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар, келгуси вазифалар хусусида билиш мақ-садида республика Халқ таълими вазирлигининг Умум-садида республика Халқ таълими вазирлигининг ташкил таълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва ривожлантириш Бош бошқармаси бошлиғи йўлдош АСАДОВга бир неча саволлар билан муурожаат қилдик.

— Маълумки, “2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умум-миллий дастури тўғрисида”ги Президент фармонида Давлат таълим стандартларини қайта кўриб чиқиш, такомиллашти-риш вазифасига ҳам алоҳида эътибор қаратилган эди. Айт-тинг-чи, ўтган давр мобайни-да бу борада Халқ таълими вазирлиги томонидан қандай ишлар амалга оширилди?

— Ўқувчининг таълим тайёргар-лиги даражасини ошириш ўта му-ҳим масала. Зотан, чуқур билимга эга ўқувчи нафақат ўз келажак-ни, балки юрт, миллат истиқболи-ни ҳам белгилайди. Демак, пойде-вор мактабда қўйилади. Бунда эса ўқувчининг ёши ва қобилияти ҳисобга олинган ҳолда таълим тай-ёргарлигини муттасил ошириб бо-риш аҳамиятлидир. Давлат таълим стандартларининг аҳамияти шун-даки, унда айнан ўқувчининг ёши ва психофизиологик хусусияти, им-кониятлари даражасида ўзлашти-риши лозим бўлган билим, кўник-ма ва малакаларнинг минимал та-лаблари белгиланган. Савол туғи-лиши мумкин: нега бундан олдин-ги амалдаги ДТС ва ўқув дастур-ларини такомиллаштириш зарура-ти туғилди. Маълумки, жамият та-раққиёти жараёнида фан-техника ҳам ривожланиб боради. Жамият-нинг тараққиёти эса таълимга бўлган талабларни ўзгартириши муқаррар. Шу нуқтаи назардан ўзгаришлар, янгиликлар жараёни-да ДТСни ҳам такомиллаштириш узлуксиз давом этиши табиий. Бун-гунги ислохотларнинг асл моҳияти ҳам шунда. Янги тахрирдаги ДТСдаги асосий ўзгариш бу амал-даги ДТСда ҳар бир фан бўйича умумий стандарт белгиланган бўлса, янги тахрирдагисида эса ҳар бир синф кесимида ўқувчиларнинг ўзлаштириши керак бўлган билим, кўникма ва малакалар аниқ тақси-мот қилинган. Масалан, физика фани бўйича ўқувчининг билим, кўникма ва малакалари босқич-ма-босқич оддийликдан мукамал-ликка қараб бериб борилади.

Очигини айтиш керакки, ўтган давр мобайнида амалиёт жараё-нида амалдаги ДТСнинг айрим жи-ҳатлари мураккаблиги, баъзи қисмларида эса ўқувчи ёши, қоби-лияти ҳисобга олинмаганлиги ҳола-ти кўзга ташланди. Бундай камчи-ликларга эса ўз-ўзидан ДТС асо-сида ишлаб чиқилган ўқув дастур ва режаларини тузишда ҳам йўл қўйилган. Шундан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президен-тининг 2004 йил 21 майдаги ПФ-3431 сонли фармонида белгилан-ган вазифалар доирасида Халқ таъ-лими, Соғлиқни сақлаш вазирлик-лари ҳамда Матбуот ва ахборот агентлигининг “Умумий ўрта таъ-лимни ривожлантиришга қаратил-ган кўшимча чора-тадбирлар тўғри-сида”ги қўшма буйруғи билан то-зилган экспертиза гуруҳлари томо-нидан умумий ўрта таълим тизи-мида қўлланилаётган таълим стан-дартлари, ўқув дастурлари тўлиқ экспертизадан ўтказилди. Бунга,

шунингдек, бошланғич таълимдаги 10 номдаги ҳамда умумий ўрта таъ-лимнинг 24 номдаги дарсликларни ҳам қамраб олинди. Экспертиза гуруҳлари таркибига олимлар, соҳа мутахассислари, методистлар ва амалиётчилар жалб этилди. Бун-дан ташқари, Қорақалпоғистон Рес-публикаси Халқ таълими вазирли-ги, Тошкент шаҳар ҳамда барча вилоят халқ таълими бошқармала-ри ҳузурида ҳам ишчи гуруҳлари ташкил этилди. Шундай қилиб, ДТС ва ўқув дастурларини экспертиза-

ўрта таълимнинг такомиллаштирил-ган давлат таълим стандартлари ва жорий ўқув режаси асосида 24 та фан йўналиши бўйича 186 ном-даги амалда қўлланилаётган дарслик ва ўқув методик қўллан-малар қайта кўриб чиқилди. Шунга мувофиқ 2004-2005 ўқув йилида 143 номдаги дарслик ва ўқув қўлланмаларидан амалда фойдала-ниш учун тавсия этилди. 2005-2009 йилларда чоп этиладиган дарслик-лар ва ўқув методик қўлланмалар танлов асосида яратилиши белги-ланди.

— Шу ўринда савол туғила-ди. Айтинг-чи, янги тахрирда-ги давлат таълим стандартла-ри, модернизация қилинган ўқув дастурларини таълим жа-раёнига татбиқ этиш қандай амалга оширилади?

Тахриба-синов ишлари қуйида-ги йўналишларда олиб борилади. Биринчи йўналиш: — такомилла-штирилган ДТС ва модернизация қилинган ўқув дастурларини тахриба-синовдан ўтказиш. Бу ишлар ҳар бир вилоятда биттадан мак-табда ва вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан белгилан-ган ҳар бир тумандаги биттадан мактабда ўтказилади. Айтиш керак-ки, тахриба-синов ишларини олиб борадиган ўқитувчилар ва унга ил-мий раҳбарлик қиладиган мутахас-сислар Халқ таълими вазирлиги томонидан аниқ белгиланган.

Ушбу тахриба-синовнинг олдин-гиларидан фарқи жихати шунда-ки, бу йил янги яратилган ДТСни

таклифлар тайёрланади. Эътибор-лиси, бунда умумий ўрта таълим-нинг ДТС, ўқув дастурлари сини-лаётган тахриба-синов мактаб-лари билан ихтисослаштирилган мак-таб (синф)ларнинг ўқув режалари бир вақтда тахриба-синовдан ўтқа-зилиб, ўзаро ҳамкорлик ва ҳам-фикрлик таъминланади.

— Хабаримиз бор: “Умумий ўрта таълим мактаблари ўқув-чиларининг таълим тайёргар-лиги даражасини аниқлашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низомнинг янги тахрирдаги ва-риантини тахриба-синовдан ўтказиш ҳақида Халқ таълими вазирлигининг 201-сонли буйруғи қабул қилинди. Бу жа-раён қандай кечмоқда?

— Айтиш керакки, ўқувчилар таълим тайёргарлигини белгилаш-нинг дунёдаги бир неча усули, ус-лубиёти, технологияси, тизими мав-жуд. Очиги, ўқувчилар билимини ба-ҳолаш тўғрисидаги баҳслашув узок вақтдан буён давом этаётган му-нозара ҳисобланади. Бироқ якуний хулосага ҳали-ҳануз келинганича йўқ. Аммо таъкидлаш керакки, дунё таълим тизимида рейтинг тизими ўқувчи таълим тайёргарлигини ба-ҳолашнинг энг объектив тизими сифатида эътироф этилмоқда.

Дарҳақиқат, амалдаги рейтинг тизимида мураккабликлар мавжуд-лиги ҳақиқат. Бугунги таълим ис-лохотидан кўзланган мақсад ҳам аслида шу мураккабликни барта-раф этишга қаратилган. “Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчила-

га жорий этилиши режалаштирил-ган.

Эслатиш лозимки, ўтган йилдан бошланғич синф ҳамда 5-6-синф-ларда олиб борилаётган рейтинг тизимининг тахриба-синов ишла-ри ҳам бу йил давом эттирилади. Очиги, ушбу рейтинг тизими му-камал баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади. Бунга уни бошқа мамлакатлардаги рейтинг тизими билан таққослаганимизда амин бўлдик. Бироқ олинган маъл-лумотларга қараганда, ҳозирги ҳолатда бир қисм ўқитувчиларнинг тайёргарлиги, мактаб моддий-тех-ника базасининг айрим жойларда етарли даражада эмаслиги, яъни, информацион технологияларнинг тўлиқ таълим жараёнига киритил-маганлиги мазкур тизимнинг ҳозир-ги кун учун мураккаблигини кўрсат-моқда.

— Албатта, таълим тизими-даги бугунги ислохотларнинг бош ижросиси — ўқитувчи. Шу босм юқоридаги каби ҳукума-тимиз томонидан қабул қили-наётган Фармон ва Қарорлар-нинг маъно-моҳиятини ўқитув-чиларга етказиш, уларнинг ма-лакасини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда матбуот-нинг ўрни ҳам алоҳида. Айтинг-чи, ушбу жараёнда яна қандай чора-тадбирлар амалга оши-рилмоқда?

— Албатта, таълим самарадор-лиги кўп жиҳатдан ўқитувчи сало-ҳиятига боғлиқ. Шу нуқтаи назар-дан, ўқитувчиларни бугунги исло-хотлардан бохабар қилиш мақса-дида Халқ таълими вазирлигининг 2004 йил 26 октябрдаги “Илмий-амалий семинар ўтказиш ҳақида”-ги 212-сонли буйруғи асосида жо-рий йилнинг 28-29 октябрь кунла-рида Тошкент вилояти педагоглар-ни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида “Умумий ўрта таълимнинг янги тахрирдаги дав-лат таълим стандартларини модер-низация қилинган ўқув дастурла-рини, фанларга ихтисослаштирил-ган мактаб (синфлар)нинг ўқув режа ва ўқув дастурларини, “Уму-мий таълим мактаблари ўқувчила-рининг таълим тайёргарлиги да-ражасини аниқлашнинг рейтинг ти-зими тўғрисида”ги Низомнинг янги тахрирдаги вариантини тахриба-синовдан ўтказиш бўйича респу-блика илмий-амалий семинари ўтқа-зилди. Семинарда 200 нафарга яқин тахриба-синов ўтказувчи экс-периментатор ўқитувчилар, мето-дистлар, илмий раҳбарлар ва ви-лоят методика марказлари раҳбар-лари иштирок этдилар. Семинар-да иштирокчилар тахриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтқа-зиш тартиблари билан атрофлича таништирилди ва тўрт йўналишда амалий машғулот ва тренинглар-да қатнашдилар.

Шунингдек, Давлат умуммиллий дастурининг мазмун-моҳиятини ҳар бир ўқитувчига етказиш учун қатор чора-тадбирлар белгиланди. Жум-ладан, дастурни тарғибот-ташвиқот қилиш учун Халқ таълими вазирли-ги, вилоятлар ва туман халқ таъ-лими бўлимларида махсус тарғи-бот гуруҳлари тузилиб, ўқитувчилар билан суҳбатлар, ўқувлар, семинар-лар ташкил этилмоқда. Айтиш ке-ракки, педагогик жамоатчиликда мазкур дастур қабул қилингандан сўнг, ижодий фаолият, изланишга интилиш кучайди. Энди эса биз да-стурнинг ижросида ҳар бир ўқитув-чининг, Халқ таълими ходимининг ўрни қандай бўлиши кераклигини тушунириш, тарғибот қилиш билан бирга уларда “Бу дастур — менинг дастурим”, “Уни амалга оширишда менинг вазифам нима-дан иборат ва уни қандай қилиб амалга ошираман?” деган савол-ларга жавоб излашга даъват эти-шимиз керак. Шундагина дастурда кўзланган мақсадларга эришиши-миз осон кечади.

Суҳбатдош:  
Баҳодир ЖОВЛИЕВ

# УМУММИЛЛИЙ ДАСТУР: ДАСТЛАБКИ САРҲИСОБ, ХУЛОСАЛАР ВА ВАЗИФАЛАР

## ИККИНЧИ МАҚОЛА

дан ўтказишга 2500 нафардан ор-тиқ ўқитувчи, методист ва олим-лар жалб этилди. Жойлардан олин-ган таклифлар умумий хулосалар-ни чиқаришда инобатга олинди.

Ҳозирги кунда амалдаги ўқув режада мавжуд бўлган барча фан-лар бўйича давлат таълим стан-дартларининг тўлдирилган ва та-комиллаштирилган лойиҳалари тай-ёрланди. Шунингдек, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, психофизиологик имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ДТС асосида ўқувчи ўзлаш-тириши керак бўлган билим, кўник-ма ва малакалар таснифи, миқ-дори ҳамда уларнинг синфлар ке-симида тақсимоли тайёрланди. Бун-дан ташқари, ДТС асосида барча фанлар бўйича ўқув дастурлари қай-та кўриб чиқилиб, модернизация қилинган намуналари тайёрланди. Мазкур ҳужжатлар ҳозирги кунда оммавий ахборот воситалари орқали педагогик жамоатчилик ҳамда ўқитувчи мутахассисларнинг семинар-тренингларида кенг муҳо-камага қўйилиб, яна таклифлар олинмоқда.

— Ўз-ўзидан аён, Давлат таълим стандартларидаги ўзга-риш ўқув дастур ва режалари, дарслик ҳамда ўқув қўлланма-ларининг мазмун-мундарижа-сини ҳам такомиллаштириш вазифасини қўяди. Бу жараён-ни амалга оширишда қандай изланишлар олиб борилмоқда?

— Дарвоқе, давлат таълим стандартларидаги ўзгариш ўқув дастур ва режалари, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мазмунига ҳам таъсир этиши табиий. Бу жа-раёни амалга оширишда, энг ав-вало, узлуксиз таълим тизимидаги мавжуд дарсликлар ва ўқув қўллан-маларини қайта кўриб чиқиш ҳамда янгиларини яратиш учун умумий

эмас, такомиллаштирилган, замон талабига мослаштирилган давлат таълим стандартлари тахриба-си-новдан ўтказилади. Шу нуқтаи на-зарда бу галги тахриба-синов иш-ларида аввалги экспериментатор ўқитувчилар эмас, балки бошқа ил-гор тахрибали экспериментатор ўқитувчилар ва илмий раҳбарлар жалб этилди. Негаки, улар томо-нидан янги фикр ва янгича ёндо-шувлар бўлиши кутилмоқда. Бун-дан ташқари, олдинги экспремент-дан ўтказилган давлат таълим стан-дартлари маълум тахриба-синов майдонларида амалга оширилган бўлса, ўқув дастур ва режа яна бир бошқа мактабда, дарслик ва ўқув қўлланмалар эса яна бошқа-сида синалган. Бу эса ишлаб чи-қилган ҳужжатларнинг ўзаро муво-фиқлигини таъминлаш, мавжуд камчиликларни аниқлашга тўлиқ имкон бермаган эди. Бу сафар эса синовлар комплекс ёндошув асо-сида яъни, такомиллаштирилган ДТС, модернизация қилинган ўқув дастури бир мактабда махсус аж-ратилган ўқитувчилар томонидан амалга оширилади.

Иккинчи йўналиш, фанларга их-тисослаштирилган мактаб (синф-ларнинг) ўқув режа ва дастурла-рини ҳам тахриба-синовдан ўтқа-зиш лозим топилди. Чунки ҳалига-ча очигини айтсак, ихтисослашти-рилган мактабларнинг низоми тас-диқланиб, амалиётга жорий этил-ганича йўқ. Ўтган вақт мобайнида ДТС билан биргаликда ушбу ни-зом ҳам қайта кўриб чиқилди. Бун-да ҳам ихтисослаштирилган синф-ларга ўқувчиларни қабул қилиш тар-тиботига бироз ўзгартиришлар ки-ририлган ҳолда иқтидорли болалар-ни излаш, танлаш ва саралаш, уларга таълим-тарбия бериш жа-раёнини ташкил этиш тўғрисида

рининг таълим тайёргарлиги да-ражасини аниқлашнинг амалдаги кўп балли рейтинг тизимини тако-миллаштириш ҳақида”ги Халқ таъ-лими вазирлигининг 165-сонли буй-руғи қабул қилингандан сўнг Ко-рақалпоғистон Республикаси, Тош-кент шаҳри ва барча вилоятлар бўйича уч нафардан (энг ижодкор, тахрибали амалиётчи ўқитувчи, ме-тодист, мактабларнинг ўқув-тар-биявий ишлар бўйича директор ўринбосарлари) иборат мутахас-сислар жалб этилган ҳолда тарки-би 45 кишидан иборат ишчи гуруҳ тузилди.

Ишчи гуруҳ 2004 йилнинг 11-15 август кунлари республика Таълим марказида фаолият кўрсатиб, ўқув-чилар таълим тайёргарлик дара-жасини аниқлашнинг амалдаги кўп балли рейтинг тизимини ҳар то-монлама таҳлил этди ҳамда уни соддалаштириш, ўқитувчилар учун қулай, ўқувчилар ва ота-оналар учун тушунарли вариантини тайёрлаш устида иш олиб боришди. Нати-жада, “Умумий ўрта таълим мак-таблари ўқувчиларининг таълим тайёргарлиги даражаси рейтинг тўғрисида”ги Низомнинг янги тах-рирдаги тахриба-синов варианты тайёрланди. Мазкур рейтинг лой-иҳасини тахриба-синовдан ўтказиш мақсадида Халқ таълими вазирли-гининг юқоридаги сиз таъкидлаган буйруғи қабул қилинди. Ушбу янги тахрирдаги Низом лойиҳаси 2004-2005 ўқув йилининг иккинчи чора-гидан бошлаб таянч мактабларин-инг 1-6-синфларида тахриба-си-новдан ўтказилади. Низом лойиҳа-сида берилган рейтинг моделини жойлардан олинган мутахассислар-нинг таклифлари ҳамда тахриба-синов натижалари асосида тако-миллаштирилиб, 2005-2006 ўқув йилидан бошлаб таълим жараёни-



## Jarayon

Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган умумтаълим фан олимпиадалари биринчи (мактаб) босқичини ўтказиш мактабимизда қатъий йўлга қўйилган. Бу анъана шунчаки расмийлик учун эмас, балки аниқ бир натижа ва мақсадни кўзлаб ўтказилади. Чунки ўқувчилар олимпиадаси улар орасидан энг кучли, истеъдодли ва қобилиятлиларини аниқлабгина қолмасдан, айна пайтда таълим олаётган барча ўқувчиларнинг чуқур билим олишга қизиқишини оширади, қолаверса, иқтидорли болалар сифини кенгайтиришда бу муҳим синнов босқичи эканлиги маълум.

Агар ҳар йили 1-босқич фан олимпиадалари материалларини ўзимиз тайёрлаб, имкон даражасида ўтказган бўлсак, жорий йилда бу тадбирни янада юқори савияда ўтказиш имкониятига эга бўлдик. Чунки «Ma'rifat» газетасининг шу йил 9 октябрь сонидан республика

Таълим марказининг «Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари умумтаълим фанлари бўйича олимпиадалари биринчи (мактаб) босқичини ўтказиш юзасидан тавсиялар ва баҳолаш мезонлари» эълон қилинди. Айтиш жоизки, бу

ларининг биринчи босқичи мактабларда ноябрь ойидаги ўқувчиларнинг таътил кунларида ўтказилади. Унда 5-11-синф ўқувчилари иштирок этадилар. 5-8-синфларда кичик фан олимпиадалари ўтказилади. Мактабимизда ушбу олимпиадани ўтказиш бўйича ташкилий

диган кичик фан олимпиадалари топшириқлари бевосита мактабнинг ўзида тайёрланади. Бунда асосан ҳар бир ўқув фанидан тест-синов топшириқлари тузиш, оғзаки ижодий иш (лаборатория иши) ва амалий топшириқларни тайёрлаб қўйди. Тест саволлари тузиш-

олимпиадаларда ўқувчиларнинг 100 фоиз иштирокини қамраб олишга эътибор берганмиз. Мақсадимиз иқтидорли, билимли ўқувчиларни танлаш, уларни рағбатлантириш, билим даражасини жаҳон стандартларига мослашдир. Албатта, бу жарёнда фан метод бирлашмалари қандай ишлаётганлиги яна бир бор намоён бўлади. Фан олимпиадаларини ўтказишда «Билимдонлар голиб чиқсин» шиорини ўртага ташлаганмииз. Биринчи босқич фан олимпиадалари қанчалик холисона ва адолатли ўтказилса, ўқувчилар билими муносиб баҳоланса, кейинги босқич олимпиадаларида ўқувчиларнинг юқори ўринларни қўлга киритишига мустақам замин тайёрланади. Фан олимпиадаларини ўтказишдан асосий мақсад ҳам иқтидорли ўқувчиларнинг қобилиятини ривожлантиришга имкон ва шароит яратиб беришдан иборатдир.

**Рискул МИРЗААХМЕДОВ,**  
Зомин туманидаги 60-  
умумий ўрта таълим  
мактаби илмий бўлим  
мудир

«БИЛИМДОНЛАР  
ГОЛИБ ЧИҚСИН»

## 1-босқич фан олимпиадасининг шиори шундай

тавсия келгусида қилинажак ишларимизга аниқ йўналиш белгилаб берди. Шунинг учун ҳам мазкур тавсияни мактабимиз ўқитувчилари катта қизиқиш билан ўрганиб, педагогик жамоа ўртасида ишлаб чиқди. Ана шу тавсиядан келиб чиққан ҳолда метод бирлашма раҳбарларига топшириқлар юкланди. Маълумки, фан олимпиада-

кўмита тузилди, ҳакамлар ҳайъати ва эксперт гуруҳи тасдиқлаб олинди. Ҳакамлар ҳайъати таркибини шакллантиришда кўшни мактаблар билан ўзаро мутахассис алмашиш тажрибасидан фойдаландик. Мактабимизда ўтказиладиган олимпиада жадвали тасдиқланиб, кўринадиган жойга қўйилди. 5-8-синфлар ўртасида бўла-

да кўп вариантлик тамойилларига амал қилинди. Бу тест саволлари конвертда муҳрланган ҳолда ташкилий кўмита расиси (директор)да сақланмоқда. Тест саволлари ва ёзма иш мавзуларини сир сақлаш қафолатланган.

Айна пайтда мактабимизнинг юқори синфларида 18 та фан бўйича ўтказиладиган



Барчамизга маълумки, бу йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши муносабати билан халқимизнинг инсонпарварлик, оқибатлилик, ёрдамга муҳтожларга кўмак қўлини чўзиш каби инсоний фазилатлари янада жонлангандек бўлди. Хоразм вилоятининг Янгигазор туманида мактабга борол-

майдиған ногирон болаларни уй шароитида яққа тартибда ўқитиш, касбга йўналтириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғуллантириш учун мақсадли дастур ишлаб чиқилган ва шу асосида танловлар ўтказилмоқда.

Туман ҳудудида мавжуд 495 нафар жисмоний ва ақлий имкониятлари чекланган болалардан 288 нафари уму-



мий ўрта таълим мактабларида билим олмақдалар. Коллеж ва лицейларда эса 5 нафари, интернатларда 10 нафари тарбияланмоқда. Уй шароитида яққа тартибда ўқитиладиган 31 нафар ўқувчиларга ўқитувчилар бириктирилиб, улар мунтазам равишда туман ХТБ томонидан дарслик, ўқув қуроллари ва бепул кийим-бош билан таъминлаб борилади.

Суратда: 1. 20-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Г.Яхшимуродова 2-синф ўқувчиси Ш.Атабаевага ёзиш машқини ўргатмоқда.

2. 13-мактаб ўқитувчиси Г.Қурбонийёзова 10-синф ўқувчиси Н.Эшимметов билан ҳикояни мутолаа қилмоқда.

3. ЁДГОРОВ олган суратлар

**Ҳорун** (олимига таъзим қилиб): — О, ҳурматли устоз, боя кўчада келаётиб бир можаронинг гувоҳи бўлдим. Икки киши бир-бири билан муштлашиб, ҳолдан тойган бўлсаларда, тиллари тийилмасди. «Менинг наслим фалон, сен фалон» деб бири иккинчисини ерпарчин қиларди. Кишиларда бир-бирини менсимаслик, меҳр-оқибатнинг йўқлиги туфайли шу нарса содир бўлмоқда. Мана шу аҳволни тугатиб, барчани бир-бирига дўсту иноқ қилиш имкони топилмасмикин?

**Морун:** — Мен ҳам кўпдан буён шу ҳақда ўйлайман. Сиз, муҳтарам устозимизга, шу масалада мурожаат этмоқчи эдим!

**Олим** (Алмуслим): Ҳақиқатан ҳам, бу ечимини топиш керак бўлган муаммо. Кишиларни бир-бирига меҳр-оқибатли қиладиган, инсоф-ақлга чақирадиган кучли чора нима? Уйланглар-чи!

**Ҳорун** (бош чайқайди): — Ҳурматли устоз! Мен сеҳр билан тезпар балиққа айланиб, денгизнинг энг чуқур жойларига ҳам ўтиб суза оламан, лекин сиз айтган жумбоқни ечишда ожизман.

## САЛОМ — БИРИНЧИ КАЛОМ

(Биринчи парда. Биринчи кўриниш)

**Мадраса. Алмуслим исмли олим Ҳорун ва Морун деган шогирдлари билан суҳбатлашиб ўтирибди. Шогирдларнинг олдида китоблар. Қоғоз. Патқалам.**

**Морун:** — Лочинга айланиб ҳавода уча оламан, аммо сиз айтган масалани бажаришнинг иложи йўққа ўхшайди.

**Олим:** — Иложсиз иш дунёда йўқ! Боринглар, чуқурроқ ўйланглар, фикрингизни бир ойдан сўнг айтасиз. Шу муддат ичида ахтаринг, ўрганинг, дилни-дилга улайдиган бахт кўприги нима эканлигини топинглар.

Икки шогирд таъзим бажо қилиб чиқиб кетишади.

(Саҳна қоронғулашиб ёришади. Йўлда кетаётган қариялар, онахонлар билан суҳбат қураётган, ёнига жуда кўп китобларни қўйиб олиб ўқиётган шогирдлар кўринади.)

Саҳна қоронғулашиб, яна ўша биринчи кўринишдаги олим Алмуслим болаларни

ўқитаётган мадраса манзаралари кўзга ташланади.)

**Олим:** — Шогирдларим Ҳорун ва Морунларнинг ҳикматлар дурдонасини излаб чиқиб кетганларига ҳам бир ой бўлиб қолди. Улар, хатда ёзиш-

## Maktab sahnasi uchun

ларича, шаҳарма-шаҳар ва қишлоқлар кезиб, одамлар билан суҳбатлашаётган эканлар. Кутубхоналарга кириб, китоблар ўқишмоқда. Иншооллох, бугунми-эрта келиб қолишса, ажаб эмас.

Шу пайт шогирдлари кириб келиб, устозлари билан саломлашадилар.

**Ҳорун ва Морун:** — Ассалому алайкум, азиз устоз!

**Олим:** Ва алайкум ассалом! Хуш келибсизлар. Қандай хабар олиб келдингиз?

**Ҳорун** (олдинга чиқиб): — Устоз! Шундай бир чорани топдим: Кимки биров билан уришса ёки мақтанчоқлик қилиб, бошқани хўрласа, сўкса, сеҳрли бир сўзни айтаман, ўша адабсиз кимса тошга, кесакка айланиб қолади.

**Олим** (ўйланиб, бош чайқайди): — Тўғри, адабсиз кимсани кесакка айлантириб қўйиш мумкин. Лекин дунё кенг, «адабсиз қайда», деб ахтариб юра олармидинг? Сеҳрли сўзинг ўзи йўл топиб кишилар қалбидан ўрин ола билса, соз бўларди! Ана шундай ҳикматли сўзни топмоқ керак!

Морун (таъзим айлаб): —

Шундай сўзни мен топганга ўхшайман, устоз! Топган чорам: «Ассалому алайкум!»

**Олим** (ажабланиб): — Ассалому алайкум!

**Морун:** — Балли, устоз! Бу сўзни айтган одам бошқаларга ҳам тинчлик, осойишталик, саломатлик, поклик тилаган бўлади. Унга «ваалайкум ассалом», яъни «сизга ҳам тинчлик, саломатлик, осойишталик бўлсин!» деб жавоб қайтаради. Бу сўзнинг таъсирини кишилар орасида синаб кўрдим. Дилларга меҳр, юзларга табассум югурди. Ҳатто ёш болалар, жажжи қизчалар ҳам ота-она, бува-бувиларига, муаллимларига, кўшчиларига, барча шу сўзни айтишни ўргана бошладилар. Ораларида дўстлик, ҳурмат кучайди. Уйлайманки, бу сўз бутун дунёда тонг нуридай таралгусидир.

**Олим** (хурсанд): — Балли, доно шогирдим! Ноёб сўзни топибсан. Энди буни янада кенг ёйлик, токи барчага қувват, бахт келтирсин! Болаларим, сизлар ҳам бу сеҳрли сўзларни ҳеч қачон ёдингиздан чиқарманглар. Хўпми?

**Меҳриноз АЛИЕВА,**  
АДУ қошидаги лицейнинг  
10-синф ўқувчиси

Xoja Ahror Valiy tavalludining 600 yilligi oldidan

Миллатимиз ифтихори Алишер Навоий "Насойимул-муҳаббат" аса-рида келтирганидек, Абдурахмон Жомий ҳазратлари "Нафоҳотул-унс" асарини ёзган пайтда барҳаёт шайхлар ва энг улуг зотлардан ёлғиз "Ҳазрати Хожа Носириддин Убайдуллоҳ (Хожа Аҳрор)дан ўзга ки-шини ул табаррук китобда зикр қилмадилар". Хожа Аҳрорнинг инсон-парварлиги, олий ҳиммати ва саховатининг шон-шухрати шу қадар эдики, "Мовароуннаҳр салотини (сўлтонлари) ўзларин аларнинг муридзодалари ва маҳкуми ҳукми ту-тарлар эрди. Йўқки, ёлғуз Мова-роуннаҳр салотини, балки Хуросон ва Ироқ ва Озарбойжон, хаттоки, бир соридин Рум ва Мисргача, бир соридин Хито(й) ва Ҳиндгача бар-ча мулк ва салотин (подшоҳлар ва султонлар) ўзларин Хожа Аҳрор-нинг маҳкуми ҳукми ва маъмури фармони тутарлар эрди" ва кўпги-на давлатларнинг подшоҳлари ул Ҳазратнинг мактубларида айтилган савобли илтимос ва юмушларни тез фурсатда бажо келтиришни ўзлари учун шараф деб билур эр-дилар. Алишер Навоийнинг ўзла-ри Хожа Аҳрорнинг мактубларидан махсус мураққаъ-мажмуа тузган эдилар ("мураққаъ ясаб, жадвал ва такаллуфот била табаррук йўсини-да асрабмен"). Улуг шоиримиз син-гари Абдурахмон Жомий ва Заҳи-риддин Муҳаммад Бобур ҳам ул зоти шарифни ўзларига пири мур-шид деб билган эдилар.

хайрнинг бир рубойисига шарҳ ёзиб, уни "Рисолаи Ҳавроия" деб номлаган. У кўпинча сўзлаганда (суҳбатларида) фикрини изҳор қилиш учун ўз бошидан кечирган-ларини бадий ифодалаган, Шарқ шеъриятдан мисоллар келтирган, гоҳо эса у уларни ўзи тўқиган. Бун-дай шеърий парчалар у ҳақидаги Фаҳруддин Али-Сафийнинг "Раша-хот", Муҳаммад Қозининг "Силси-лат ул-орифин" асарларида кўплаб келтирилган. Қуйида ана шулардан мисоллар келтирамиз.

1. Ёш вақтимда Шайх Абу Бакр Қаффоли Шошийнинг мазорлари-да Ҳазрати Исо (с.а.)ни тушимда кўрдимким, ўлтирибдилар. Мен ўзимни оларнинг қадамларига таш-

5. Хожа Абдулоҳиқ Фиждувоний (қ.с.) айтибдурларким, "Халқдин оғурлик кўтармак керак ва бу му-яссар бўлмас, магар ҳалол касб билан, "Даст бакор, дил байор" де-ган сўз тариқларида амри муқар-рар турур.

6. Ҳазрати Хожа Баҳоуддин неча мuddатилар жаллодлик этдилар, биз ҳам оларнинг шогирдларидин ту-рурмиз, кўрармиз, то кимга сарфа этар эркан!

7. Агар бу рўзғорда биз шайх-лик этсак, ҳеч шайх мурид топмас эди, лекин бизга бошқа иш бую-

хур, мулла бўлма, сўфий бўлма, шайх бўлма, ул бўлма, бул бўлма — мусулмон бўлғил".

12. Авал сиз вужуди маънавий пайдо қилинг, андин сўнг биз та-риқат таълимини берурмиз.

13. Ё Раббам, мулки истиқомат дех, Ки, истиқомат зи сад каромат бех,

(Эй, Раббим, шариатда мустаҳ-кам туришни ато қил,

Чунки юзта кароматдан шари-атда мустаҳкам туриш яхшироқ-дир).

Чунки аҳмоқлар суҳбати дилин-гни қон-қон қилади).

20. Дил зи пурғуфтан бимирад дар бадан,

Гарчи гуфторат бавад дурри Адан.

(Сергапликдан дил ўлади дар бадан,

Гарчи гуфторинг бўлсун дурри Адан).

21. Онам, ки жаҳон чу ҳуққа дар мушти ман аст,

В-ин қуввати Ҳақ зи қуввати пушти ман аст.

В-ин қуввати Ҳақ зи қуввати пушти ман аст.

В-ин кавну макон ва ҳар чи дар олам аст,

Дар қабзаи қудрати ду ангушти ман аст.

(Бу кенг жаҳон Ҳуққа каби ме-нинг муштимда,

Ва қуввати Ҳақ мавжуддир ме-нинг пуштимда.

Кавну макон ва оламда мавжуд ҳама шай,

Жамул жамдур қудратимда, қўш ангуштимда).

22. Мо ки-им андар жаҳон печ-печ:

Чун алиф он худ надорад ҳеч-ҳеч.

(Биз жаҳон ичида киммиз, ҳеч киммиз,

Биз "алиф"га ўхшаймиз, яъни нуқта йўқ).

23. Ҳақ субҳонаху ва таъолонинг балоларига собир, балким шокир бўлмоқ керақдур, онинг учунким, Ҳақ субҳонахунинг бир-биридан саъброқ балолари кўброқ турур.

24. Ҳазрати Абу Язид (Бистомий) (қ.с.) йўлда борур эрдилар, сувга ботгон бир ит олдиларидан чиқди. Олар этакларин тортдилар, ит фасиҳ тил била олар билан суҳ-батлашди ва ойтди: "Агар этакинг манга тушса, сув била покиза бўлур эрди, аммо мандин этакинг-ни тортдинг ва ўзингни мандин по-кизароқ кўрдинг, энди қайси сув била ювиниб покиза бўлурсан?"

**Барот БОЙҚБИЛОВ,**  
**Ўзбекистон халқ шоири,**  
**Алишер Навоий номидаги**  
**Давлат мукофоти соҳиби,**  
**Ориф УСМОН,**  
**филология фанлари**  
**доктори, профессор**  
**(Давоми бор.)**

ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ  
ҲИКМАТЛАРИ

ладим, алар манинг бошимни туп-рокдин кўтардилар ва айтдилар: "Ҳам емагил, биз сани тарбият этурмиз".

2. Мабодий ҳолда Ҳазрати Ри-солатпаноҳ (с.а.в.)ни тушда кўрдум. Асҳоб ва ғайри асҳобдин жамъи анбўх била бир бағоят баланд тоғ-нинг этагида ўлтуруб турурлар. Ногоҳ бу фақирга ишорат этдилар: "Кел, мани кўтариб бу тоғнинг ус-тига чиқорғил". Ман ул Ҳазратни бўйнуғга кўтариб юқори чиқориб, тоғнинг қулласига қўйдум. Ул Ҳаз-рат (с.а.в.) истехсон этдилар ва айтдилар: "Ман билур эрдимким, санда бу қувват бордур ва бу иш сандин келур, лекин хоҳладимким, бошқалар ҳам билсунлар".

3. Мабодий ҳолда Ҳазрати Хо-жаи бузург Хожа Баҳоуддин (қ.с.)ни тушимда кўрдимким, бир кечада келдилар ва менинг ботинимга та-сарруф этдилар, андоғким оёқла-рим суст бўлди. Ондин сўнг равон бўлдилар ва ман ҳам ҳар ваҳж била қувватим борича ўзимни Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин) етуштирдим. Ор-қаларига қараб айтдилар: "Мубо-рак бўлсун!"

4. Бизнинг молимиз фуқаро учун турур, мундоғ молга ҳосият шул турур.

риб турурларким, мусулмонларни заламанинг кўлидан сақлармиз, бу восита била подшоҳларга ихтилот этмак керақдур ва оларнинг нафс-ларини мусаххар этмак ва бу амал-нинг тавассути била мусулмонлар-ни мақсадга етурмак.

8. Ҳақ субҳонаху ва таъло маҳ-зи инояти била қуввате каромат қилубдурким, агар хоҳласак Хитой подшоҳинимким; улув ҳиммат даъ-восин қилур, шундоқ этарминким, тарки салтанат этиб, Хитойдин оёқ ёланг хору хошоқда югуриб, ўзини менинг остонамга етирур. Аммо бу ҳамма қувват била Фармони Ху-додандга мунтазир турурман. Ҳар вақтиким, хоҳласа ва ишорати Ило-ҳий етушса вужудга келур, бу ма-қомга адаб лозим турур. Адаб ул турурким, ўзини Ҳақ субҳонахунинг иродасига тобеъ этгай, на улким, Ҳақ субҳонахунинг ўз иродасига то-беъ қилғай!

9. Жуъал (гўнг кўнғиз)нинг мар-гида ўлсун!

10. Эшитмадингмуки, ақобир-лар ойтибдурлар. Гурбаи зинда бех шери мурда (Ўлик шердан тирик мушук яшши).

11. Шайх Умар (Боғистоний) ўзларининг фарзандлари Хованд Тахурга ойтур эрдиларким: "Эй, Та-

14. Ман бу тариқни сўфийянинг китобларидан олгоним йўқ турур, балки одамларнинг хизматидан ол-дим, на улким манга ўргатган бўлсалар. Аммо хизматинг ҳоси-яти шул турур.

15. Ҳиммати хизмат туро бо кун-гураи кибриё кашад. (Хизматга ҳиммат кўрсатиш сени кибриё кун-гурасига еткази).

16. Дар Нанай дар фасли дай ангур пухт, мо хўрдагем, Дар тамуз оби Фарах ях баста, мо гузаштагем.

(Нанайда дай фаслида узум пишган, биз еганмиз, Томузда Чирчиқ сувин муз қоп-лаган, биз ўтганмиз).

17. Агар биров менга фойдали гап айтса, у душманим бўлса ҳам, у менинг олдимга эмас, мен унинг олдига бораман.

18. Худого етишмоқнинг ўнта йўли бўлса тўққизтаси Иймон, бит-таси одамларга савобли иш қилиб яшашдир.

19. Зи-аҳмақон бигуриз, чу Исо гурехт, Суҳбате аҳмақ басте хунҳо би-рехт.

(Аҳмоқлар назидан Исо қочган-дек қоч,

ИФТОРЛИК

у кимлар учун қилинади?

Рамазон. Бу муборак ой барча мусулмонлар учун азиз ва муқаддасдир. Зеро, ўн тўрт асрдан бери башариат оламини ҳидоят учун даъват этиб келаётган Қуръони Карим ушбу ойда нозил бўлган. Унинг илоҳий кўрсатма-ларига амал қилганлар албатта икки дунё саодатига мушарраф бўладилар. Бу ойда мўминлар рўза тутадилар. Бу шундай ибодатлар сирасига қирадики, унинг замирида рўзадорнинг иродасини мустаҳкамлаш, наф-сини тийиб, сабру қаноатга ўргатиш мақсади ётади.

Агар инсон маълум сабабга кўра рўза тута олмаса, рўзадорларга қулайлик яратиб ифторлик қилиб берса, мискинларнинг қорнини тўйғизса, рўзадор олган савоб-чалик савоб ёзиларкан. Ифтор дастурхони ёзаётганда кўнғилда ана шу истак билан, ҳеч қандай манфаат кут-май ҳозирлик кўрилса, иншооллоҳ ниятга етилади. Би-роқ бугун айрим ифторликларда асосий мақсад бир чет-да қолиб, ифтор баҳона ўзни кўрсатиш ҳоллари учраяп-ти. Яна ифторликка борганда бир коса ошга қурби ет-майди, боқувчисини йўқотган қариялар ёки моддий жиҳатдан қийналиб қолганларни эмас, балки ўзига тўқ, ҳеч нимадан ками йўқларни кўрамиз. Демак, бугун иф-торликка ҳам рўйхат асосида, яъни фойдаси тегадиган кишиларгина айтилади ва ҳаддан ташқари тўкин дастур-хон билан ўзни кўрсатиш кўзланади.

Шунингдек, баъзан ифтор бўлаётган хонадонга бо-раркансиз, айтилган одамларнинг кўплигига ҳайрон қола-сиз. Меъеридан ошиқ нарса у хатто асал бўлса-ям жон-га тегади.

Балки, бунга бизнинг Исломи дини шартлари, Қуръо-ни-карим курсатмаларини тўлиқ билмаслигимиз сабаб бўлаётгандир.

Назаримда, яхши ният билан ифторлик қилганда, ки-шиларни тўнига қараб эмас, ёрдамга муҳтожларини ай-тиш ва ҳеч қандай манфаат кутмаслик керак.

**Шавкат ТОИРОВ,**  
**ЎзДЖТУ талабаси**

Мусулмонларнинг муқад-дас байрами — рамазон ҳай-ити яқинлашмоқда. Бу бай-рамни жамики мусулмон ду-нёси интиқлик билан кутади ва кўтаринки руҳда қарши олади. Аммо бу гўзал айём ўз ташрифидан айримлар-нинг юрагига ваҳима сола-ди, уллар ҳайит келишидан ташвишга тушадилар. Ким экан, деб ҳайрон бўляпсиз-ми? Икки ҳайит оралиғида қиз узатган ота-оналар. Тошкент-да шундай одат бор: ҳайит арафасида келин тараф куёв хонадонига 20-40 (баъзан 80 та)гача тоғорада турли ноз-неъматлар ва қизи, куёвига бош-оёқ сарпо юборади. Шу-нинг учун ҳам "гуноҳқор" та-раф ҳайитга анча олдиндан тайёргарлик кўради. Шунча ҳаракат-у, ҳаражат қилишдан мақсад нима? Қиз тараф қар-ши томонга бесабаб шунча нарса юбормас, деган ўй би-лан бу ишда бош-қош бўлув-чи аёллар билан суҳбатлаш-дик.

— Қизим ўша жойда қий-налмасин, қайнота-қайнона-сининг олдида юзи ёруғ бўлсин, деб ҳамма нарсани рисоладагидек қилиб жўнат-ганман. Лекин нимагалиги-ни аниқ билмайман, — деди икки қиз чиқарган аёл.

Ажабланарли жойи шунда-ки, бу "одат"нинг моҳиятини қўша-қўша келин тушириб, қиз узатганлар ҳам аниқ бил-майди. Жўнатиш керакми, та-мом. Жўнатамиз. Биздан ав-

валгилар шундай қилишган-ми, демак биз ҳам... Энди ҳайит қилаётганлар хонадони-даги манзарани кузатсак. У ерда турли ҳажмдаги қоғоз қутилар ҳар ерда тартибсиз туради. Уларнинг ичида қуруқ мева, ҳўл мевадан тортиб, пишириғу тортгача бор. Бир уй кўни-қўшин, қариндош аёл-лар эса келган нарсаларни "қайд қилишади". Бўлмасам-чи, ахир, ҳайит ўтган-дан кейин ким-нингдир

ҲАЙИТ ҲАММАГА  
БАЙРАММИ?

келини уйдан келган нарсалар учун "даҳ-шат", "яхши", "ўртача" но-минациялари бўйича баҳола-ниши керакку.

Ҳайитнинг биринчи кунини. Эрталаб биринчи дарсга кўнғироқ чалинганда келин кўриш бошланади. Катта хо-надаги ясатиғлик столга қай-нона қоровул этиб тайинла-нади. Келиннинг синглиси ва жияни чой дамлаш, пиёла ювишга жалб қилинади. Се-кин-аста келиннинг дугонала-ри, қариндош-уруғлари кели-шади. Куёвнинг амма, хола-си яна ўзим билмайдиган қариндошлари ҳам қолиб кет-майди. Ҳа, яна 60-70 ни қора-лаб қўйган онахонлар-у, мак-

табдан қочган ўкувчи қизлар ҳам ўзларининг пойи қадам-лари билан хонадон эгалари-ни хурсанд қилишади. Бу ма-росим қахрамони келин эса мода кўрсатаётгандек ҳар 5-10 дақиқада кийим алмашти-ради. Ахир, онасига йиғлаб олдириган кийимларини дуго-налари кўрсин-да. Таомил шундай. Кечга бориб уй эга-лари ўзлари ҳам танимайдиган "меҳмон"ларни кутавери-б роса ҳолдан тойишади. «Хуш келибсизлар!», «Олинлар», «Утирсанглар бўларди» дея-вериб чарчаган келинчақ эса яна эртанги кун учун ҳаракат бош-лайди. Ҳа, нима

бўлиб-ди, умрида бир марта бўладиган воқеа-га тайёргарлик кўрса кўриб-ди-да, дейишингиз мумкин. Бироқ нима учун йўқлов юбо-раётганини ўзлари ҳам бил-майдиган ота-оналарга бу энг камида 500 минг сўмга ту-шишини ҳисобга олсак муам-мо ойдинлашади. Бу маро-симнинг эътибор қаратиш ке-рак бўлган яна бир жиҳати бор. Келиннинг хола, амма, тоғаси ҳам бундай вазиятда қўл қовуштириб туролмайди. Лекин бир вақтнинг ўзида 3-

Миатто

4 жиян турмушга чиққан бўлса-чи? Бу яна бир оила-нинг тинчини бузиш дегани. Қайсидир хола ёки амма оиласидан гап эшитиб тоғо-ра қилишга мажбур. Энди жўнатишган нарсаларга кел-сак, уллар 3 кунлик меҳмон қутишдан кейин қўшниларга тарқатилади ёки увол кета-ди. Буни ҳамма билса ҳам, ҳеч ким камайтириш ҳораси-ни кўрмайди. Ўтган йилдан бошлаб ҳайит дастури яна бир янгилик билан бойиди. Яъни, келин тарафга "енгил-лик" яратиш учун куёв томон-дагилар "ёш оилага ёрдам бўлади деб, телевизор ёки холодильник олиб берақо-линглар" деган таклиф кирит-ди. Бу ҳолат ҳали оммалаш-маган бўлса ҳам тез орада ёйилади, деган тахминлар бор.

Ҳайит йўқлови ҳақида қан-ча изланмай, унинг маъно-сини тушунмадим. Келин са-ломнинг эса фақатгина бир жиҳатини топдим: келиннинг қариндошлари, дугоналари уни кўришга ҳадеганда бо-ролмайди, ҳайит баҳонасида кўришишади. Аммо уларнинг янги келинликка боришидан асосий мақсади ейиш эмас, дийдорлашиш бўлади. Фик-римча, бунинг учун камтар дастурхон тузалса, ҳамма учун ҳам осон бўларди.

**Зухра БОБОХЎЖАЕВА**

(Давоми. Боши газетанинг  
ўтган сонларида.)

Бу вақтда биз — келин-куёв чап томондаги девор ёқалатиб кўйилган стуллардан жой олиб бўлган, яъни бизни ўртага ўтказишган, чап тарафимизда уч-тўрт кишилик жой бўш, кейин билсам — акамларга банд қилинган экан. Ўнг ёнимда эса — Саида келин, ундан нарида синглим Раъно, ундан нарида уйғур қиз ва ҳоказолар.

Қаршимиздан эса аста-секин Маҳмуд Саъдинов, Менгзиё ва Элмурод акалар жой ола бошлади. Усмон ака билан Турсунбой ўртада — меҳмонларни ўтказиш, уларга сипоришлар қилиш билан банд; айниқса, Турсунбойнинг овози баланд чиқади — отиб олганидан эмас, умуман, шунақа — бақирок-рок; ҳозир эса хурсанд ва ўзини даврабошидек ҳис қилар эди.

Ана Носир ака билан Тўхтасин Жалолов домла ҳам йўлақдан чиқишди. Уларни Камолжон қарши олиб, Турсунга рўпара қилди. Тўхтасин домла бироз иккиланган, менга қарай-қарай ўтирдилар. Ниҳоят, Турсун Собиров домла етагида болалар газетаси жамоаси ҳамда

Бу ёқда кимлар ўтирибди? Давра борми ўзи? Заррача эътибор этмас эди.

Ниҳоят, у кишининг изидан бир кучоқ гул кўтариб — эргашиб юрган Менгтурди бизларни кўрсатди Шукур акага. Ва худди шу маҳал Турсун Собиров домла ҳам Шукур акага пешвоз чиқиб борди. Улар куюқ сўрашганлари ҳолда Шукур ака Менгтурдидан ниманидир қайта сўради-да, талтайиб-жилмайиб, биз томонга боқди.

Давра дафъатан жимиб, Шукур акага тикилиб қолган, гўё у киши ваъз айтадигандек ёки ўйин кўрсатдигандек эди; аммо нигоҳларда найинки хурмат ва фахр, балки сезиларли ҳадик-кўркун ҳам зоҳирлиги шундоқ кўриниб турарди.

Шукур ака Менгтурдига баралла овозда:

— Қани, бошланг бизни келин-куёвнинг олдида! Бир табриклар кўяйлик! — деб қолдилар ва Турсун Собировнинг кўлтигидан олиб, аста жилдилар биз томонга.

Биз — Саида иккимиз бир вақтда ўрнимиздан туриб кетдик. Шукур ака энди одамлар борлиги, уларнинг кўпчилик эканини кўрган-дек — гоҳ ўнг, гоҳ сўл тарафга

кур ака. — У киши банкетда. Масковдан котаконлар келишган экан. Ман, Шукуржон, ректорингларниям олиб келмоқчийдим. У кишиям банкетда бўлишлари лозим экан. Ўшанда сўраб қолдим: “Шукур Холмирзаевни мандан олиб олган ўша хоразмлик Қўшжонов банкетда бўлмаса керак?” — “Бўлади”, деб жавоб берди Обид Содиков. Шундан биламан...

— У киши амалдор бўлдилар-да, — деб орага қўшилди Маҳмуд Саъдинов. — Куни кеча Тил ва адабиёт институтининг директори бўлиб тайинландилар.

Мен лол қолдим ва:

— Рости биланми? — дея сўраганимни-да билмай қолдим.

— Вей, эшитмаган эдингизми, Шолохов?

— А-а, чиновник бўлди де? — дея тўнгиллади Шукур ака. — У одамда раҳбарлик қобилияти бормиди ўзи?

— Шу ёғи номаълум, Шукур ака, — деди Маҳмуд.

— Ҳа, майли. Лекин ҳар ким ўз ишини қилгани тузук... Хўп, Саидахон, бахтли бўлинглар. Ва, ва... — дея атай (балки бошқаларни-да қизиқтириш учун)пауза қилиб, да-

ахир. Банкет тугандир... У киши ҳам бизга оқ фотиҳа беришлари лозим эмасми? Менинг у одамдан бўлак бу шаҳри азимда... — Бирдан тек қолдим. — А-а, у киши амалдор бўлиб кетдилар-ку? Аттанг. Ўзлари айтар эдилар: амалга, пулга қизиқмагин деб...”. Шунда яна таниш қарорим ёдимга тушди: домланинг қилиқларини муҳокама қилиш йўқ. Йўқ: унут...

Аммо чамаси қирқ кунлардан кейин биз — Саида иккимиз Бойсунга йўл олдик; мен деярли бахтиёр эдим: чунки “Ўн саккизга кирмаган ким бор...” ни ўша “Шарқ юлдузи”га топширган ва икки кундан кейин бош муҳаррир ўринбосари Ваҳоб Рўзиматовдан “маъқул” сўзини эшитгандим. Иккинчидан, имтиҳонларниям аълога топширгандим ва тезроқ Бойсунга етишу редакциянинг машинасида Саидани ўша Зовбоши дарасига олиб бориш ҳамда бир амаллаб шимолдаги куюқ арчазорга етиш ва Зумрад ҳақидаги эртагимни (ул эртақ аллақачон меники бўлиб қолган эди!) айтиб беришни истардим.

Афсуски, Бойсунда Исмажоннинг ҳам, отамнинг ҳам Матёқуб

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

да қадам билан пешвоз чиқа бошладим. Ниҳоят:

— Салом алайкум, — дедим ялписига.

Абдулла ака бош ирғаган кўйи Матёқуб акага қаради: мени танимадилар. Тўғри-да, журналда чиққан суратимда бошланган эдим. Ҳозир (Менгзиёнинг таъсирида) шляпадаман.

Матёқуб ака эса хиёл хушёр тортиб, овозимдан танидилар шекилли, кўзларини қисинқираб:

— Э, Шукурвой?.. Бу — Шукурвой, — дедилар кейин Абдулла акага.

— А-а, сизмисиз... — Мен у кишининг кўл узатишларини кутдим ва ўзимни тийиб, жилмайиб турдим.

— Ҳа, Абдулла ака.

— Мен сизни дачада кутгандим, — дедилар секингина-шошилмай. Кейин қоплама тишлари кўриниб-кўринмай жилмайдилар. — Кулофингиз чўзилиб қолмадими танқиддан кейин?

— Э, йўқ, — деб кулдим. — Сиз-

# БУ КИШИМ — УСТОЗ, МЕН — ШОГИРД

бир-иккита ўқитувчилар кириб келишди. Уларни Усмон ака қарши-лаб, олчалар тагига ўтказар экан, домла Собиров туйқус айри тушиб, алоҳида бир столи эгаллаб, Усмон акага бир нималарни тайинлади.

Алқисса, кўшиқдан кейин бошланган галағул босилиб, кимларнингдир таклифи ё тазйиқига қора духоба дўппи кийган, чўққи соқолли бир чол ўртага тортилди.

Даврада микрофон йўқ эди. — Марҳаматли меҳмонлар! Азиз фарзандларимиз Шукуржон, Саидахонлар! Бу оқшом... — ва ҳоказолар, яъни нима учун тўпланилганию кимларга бахт-шодлик, аҳиллик ҳамда фарзанд тилаш ҳақида ваъз айта кетди.

Унинг гаплари ёдимда қолмаган, аммо нималарни ўйлаганим эсимда: “Қара-я, мен уйланяпман-а? — дедим ичимда. — Йўқ, уйландим ҳисоб... Ахир, бу жуда осон нарса экан-ку! “Аршин молон”даги қариянинг “Уч сўм пул. Бир калла қанд...” деганидай... Лекин оиланинг масъулияти катта-я? Демак, мен энди эр — эркак сифатида ҳам тутишим керак ўзимни. Фақат ишим — ижодимга ҳалал етмаса, бас. Айтмоқчи, домла Қўшжонов айтиб эдилар-ку: “Оила ижодга ёрдам беради”, деб. Шояд шундай бўлса... Аммо бу томони Саидагаям боғлиқ...”

Шунда хонимга қараганимни биламан, у тиззамга туртиб (унинг боши эгик, юзига парда тушиб турарди: ўша орқали кўрибди-я!):

— У ёққа қаранг, у ёққа, — деб шивирлади.

Қаёққа қарашни билмай алангладим-у, воизнинг гапдан тўхтагани ва ўтирганларнинг-да йўлак томонга қарашаётганига эътибор этиб, йўлак оғзида бел боғлаб турган, афтидан, ўшу маҳалланик йигитлар билан кўришаётган:

... Шукур Бурхонга кўзим тушди: яйраблар кетдим! Кейин, ўша ерда кабоб пишираётганлар билан сўраша бошлади устоз... Ажаб, ажабо! У қандай одам ўзи?!

қараб, оғизлари қулоқларига етган қадар жилмайганча сўрашган-саломлашган бўлиб, ниҳоят, бизнинг қаршимизга — қошимизга етиб келдилар.

Менгзиё билан Маҳмуд Саъдиновлар ҳам туриб кетишган, гўё Шукур Бурхонга жой бўшатишган эди.

Шукур ака, Шукур ака-я! “Тоҳир—Зухра” фильми эсингиздами? Қоработир хоннинг қарши-сида тиз чўкиб, ҳар иккала қўлини кўксига босганча бош эгади... Тахминан ўша ҳаракатни ажиб бир назокат билан такрорладилар-да, сўнг бемалол бурилиб, Менгтурдига имо қилдилар. Менгтурди кучоғидаги гулни шоша-пиша менга тутди: мен олиб, ёнимдаги бўш стулга қўйдим. Сўнг Шукур ака ёнидан бир конверт чиқариб, уни-да менга узатдилар ва ҳаммага эшитарли овозда:

— Олиб қўйинг, одош, — дедилар ва, афтидан, жамоанинг ўзларига тикилиб тургани ва нималарнидир кутаётганини нозик ҳис қилароқ баралла кулиб, овозларини тагин кўтардилар: — Ўртоқ Турсун Собиров, Шайх ака бир воқеани айтиб берган эдилар. Бир ёш шоирнинг тўйига бориб қоптилар. Шоир айтибди: “Устоз, қадимда шоирлар камбағал яшаган-а?”. “Эй, болам, — дебдилар Шайх ака. — Беш-ўн кун оила бошлиғи бўлиб кўр. Бугунги шоирлар ҳам қадимгиларидан фарқ қилмаслигини билиб оласан”.

Турсун Собиров қотиб-қотиб кулганича:

— Браво! Браво! — деди.

Давра аҳли ҳам чиндан-да маза қилиб кулмоқда эди. Шукур ака ўз гапидан қаноатланиб, тагин нималардир дегиси келди шекилли:

— Домла Қўшжонов келдиларми? Шу ердами?, — дея бир менга, бир Турсун Собировга қарадилар.

— Ҳа, йўқ, — кўринмаяпти, — деди Турсун Собиров.

— Кўринмайдиям, — деди Шу-

вом этдилар: — Ва Шекспирни дуо қилиб юринглар!

Чапак.

## ТЎЙДАН КЕЙИН

Кейин... биз — келин-куёвни уйга бошлаб киришди. У ерда онам муштдеккина, худди Саиданинг кексаликдаги нусхаси, деб тахмин қилса бўладиган бир кампир билан ўтирдилар. Улар туриб, бизни қарши олишди.

Ўша кампир — Саиданинг буви-си Ўлмасхон ая экан.

Бу хонада ҳам ўзига яраша дастурхон тuzалган эди. Биз ўтиришимиз ҳамон акамнинг “Лайли—Мажнун”дан айтган — мен гоёт севадиган кўшиғи шундоқ остона яқинидан эшитила бошлади ва мен дам момога, дам онамга қараб:

— Чиқиб ўтирсам, майлими? — деб сўрадим.

— Ҳай-хай, — деди онам. — Чиланглар чиккунча келинимни ёлғиз қолдирмайсан, болам.

— Ахир, бу ерда сизлар ҳам... — Ҳозир домла келадилар, — деб жилмайди Ўлмасхон ая ҳам.

Ҳақиқатан ҳам ораддан бирон ярим соатлар ўтиб-ўтмай бояги қора духоба дўппили ваъзхон кириб келдилар. Изларидан Ҳалима опам ҳам кирдилар. Кейин акам билан Жамил акани бошлаб киришди ва домла... бизга никоҳ ўқиди...

Ўша маълум ва машҳур савол-жавоблар бўлди. Биз иккимиз ҳам биринчи сўралгандаёқ: “ҳа”, деб жавоб бердик. Илло мен ўзимни галати — ноқулай ҳис этардим: атеистроқ бўлганим учун эмас, албатта. Шунчаки, акаму онамнинг қошида уялардим. Саида ҳам қандайдир ғашлик аралаш ноз қилиб ўтирмади, чамамда.

Шундан кейин: “Битта чекиб келай”, деб ташқарига чиқдим-у, рўпарамдаги ҳамон ёп-ёруғ йўлакка кўзим тушиб, қаёқдандир шу ўй келди калламга: “Домла кеб қолар,

Кўшжонов ҳақидаги саволлари мени кўп қийнади...

## УСТОЗЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Куз кунларининг бирида факультетда гап бўлиб қолди: “Ёзувчилар союзида Қўшжонов доклад қилар экан...”

Курсдошларим шоша-пиша отланишар экан, мен ҳам дафъатан қизиқиб қолдим. Илло, домла амалга миниб кетганларидан бери у кишини кўрмаган, кўришга хоҳишим ҳам йўқ, назаримда, устозим олис-олисларга, сирли саройларга кетиб қолгандай эди.

Уюшманинг иккинчи қаватига кўтарилиб, ўнг томондаги “Ёзувчи дўкони”га бурилишим ҳамон, не кўз билан кўрайки, шундоқ коридор адоғидан домла Қўшжонов кимсан... Абдулла Қаҳҳор билан ёнма-ён келаётibdилар. Домлам хомушроқ эди, Абдулла аканинг юзида эса одатдаги кинояомуз табассум.

Қотиб қолдим: илло, Абдулла Қаҳҳорнинг ўша балоғардон мактубларига на жавоб ёзгандим, на куллуқ қилиб уйларига боргандим. Холбуки, шундай қилиш ҳақида Носир ака ҳам маслаҳат бергандилар: “Бошим осмонга етди!” деб хат ёзмайсаним, хумпар?”

Нега шундай қилмаганимга сира ақлим етмайди. Аммо бир учрашиш орзусида эдим.

Улар ўзаро гаплашиб келишар, талай ёзувчи ва шоирлар, танқидчию адабиёт ихлосмандлари тўп-тўп бўлиб унда-бунда туришар экан, анаву алломаларга жой торлик қиладигандек сал-пал тисланишаётганини сездим; айна чоғда улар жилмайиб салом беришар, Абдулла ака бош ирғаб алик олган бўлар, аммо кўришишга майл билдирмас, бошқалар эса келиб кўришишга журъат этолмас эди.

Бироқ менинг йўригим бошқа эди: улар яқинлашгани сари май-

нинг хатингизни олгандан кейин... бошим осмонга етди, Абдулла ака. Аммо на мактуб ёзишга, на уйингизга боришга журъат қилолмадим.

— Ҳимм, — дедилар — “тушунарли” дегандай. — Энди боринг. Эшик очик...

— Бораман. Раҳмат, Абдулла ака.

— Сиз уйландингиз, шекилли, а? Мен учун Матёқуб ака дарҳол жавоб бердилар:

— Ҳа. Офелияга уйланди, айтувдим-ку? — Кейин менга тикилиб, гўё ҳасрат қила кетдилар. — Кечирасиз, Шукурвой, тўйингизга-ям боролмадим. Кеннайингиз билан “куллу бўсин”га бормоқчимиз эди...

— Бу кишининг ишлари кўпайиб қолган, — деб ўша истеҳзоли жилмайишида илова қилди Абдулла ака.

— Шунақа. На чора. Ўзимизга ўзимиз ташвишни орттириб юрар эканмиз, — деди Матёқуб ака.

— Хўп, мен кета қолай, Матёқуб, — деб қолдилар шунда Абдулла Қаҳҳор. — Сизлар устоз-шогирд ҳасратлашаверинглар... Йўқ-йўқ, мени кузатманг. Хайр.

Ниҳоят, у киши кўл бериб хайр-лашарканлар, менга энди илиққина жилмайиб:

— Домлангиз етук олим, — дедилар. — Ундан кўп нарсани ўрганибсиз, назаримда. Яна ўрганса бўладиган томонлари кўп... Бироқ бир нақл эсингиздан чиқмасин: домланинг айтганини қил-у, қилганини қилма. Майлими?

Матёқуб ака зўраки кулдилар. Мен тахминан улуг ёзувчи нимага ишора қилганларини фаҳмладим ва туйқус ҳайрон бўлдим: “Ҳозир домла маъруза қилади. Абдулла ака ўтирмасмикан? А-аа, балки бу кишиям докларнинг текстини ўқигандилар...”

Шу пайт худди театрдагидек кўнғироқ жиринглади.

(Давоми бор.)

**АРОФАТНИНГ АҲВОЛИ ЎТА ОФИР**

Фаластин мухторияти раҳбарияти ўз етакчиси Ёсир Арофатнинг аҳволи ўта оғирлигини ва у ҳозирда кома ҳолатида ётганини тан олди. Фаластин раҳбари кома ҳолатининг тўртинчи даражасида бўлиб, миясининг деярли катта қисми ўз фаолиятини тўхтатган. Шифокорларнинг фикрича, бундай ҳолатдан чиқиб кетиш амалиётда ҳали кузатилмаган. Тиббиёт муассасаси матбуот хизмати котиби Персисо Кристиан Эстрипонинг айтишича, Арофатнинг юраги ҳали уриб турибди. Чунки



сунъий ҳаво узатиш мосламасига улаб қўйилган. Шу билан бирга Арофат ётган ҳарбий госпитал раҳбарияти қўлларидан келган ҳамма имкониятларни ишга солганлари, ammo ўз мижозларининг ҳаётини сақлаб қололмасликлари ҳақида баёнот беришди. Агарда Ёсир Арофатнинг қариндошлари рози бўлса, сунъий ҳаво узатиш мосламаси ўчириб қўйилади, дея хабар беради «Reuters» ва «Новости» ахборот агентликлари.

Франция, Исроил ва Миср давлатлари Фаластин раҳбарини охириги йўлга кузатиш маросимини қандай ўтказиш юзасидан унинг оиласи билан мулоқот олиб боришмоқда. Арофат қаерга дафн қилиниши маълум бўлмагунча сунъий ҳаво узатиш мосламаси ўчирилмай туради. Исроил бош вазيري Ариэл Шарон Арофатни Иерусалимда қўйилишига қаршилик кўрсатди.

Шифокорлар эса ҳали Фаластин етакчисига аниқ ташхис қўйишганича йўқ. Олинган қон таҳлиллари лейкоцитларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетганини билдирмоқда. Фаластинда эса кўплаб намоийшлар ўтказилиб, йиғилганлар мухторият раҳбари олиб борган сўбатни қўллаб-қувватламоқдалар.

**ПЕРУДА АВТОҲАЛОКАТ ЮЗ БЕРДИ**

Перуда йирик автоҳалокат юз берди. Йўловчи ташувчи автобуснинг жарга қулаб тушиши натижасида 17 киши ҳалок бўлди ва 36 киши турли даражадаги тан жароҳатлари олишди. Полиция маҳкамаси тарқатган маълумотларга кўра фожиа Эспинар шаҳарчасига етмасдан юз берган. Эспинар шаҳри мамлакат пойтахти Лимадан 680 километр масофада жойлашган бўлиб, тоғли ҳудуддан иборат. Омон қолган, ammo ярадор бўлган йўловчиларнинг айтишича, автобус ҳайдовчиси тезликни ҳаддан ташқари ошириб юборган. Сўнгра бошқарувни эплай олмай жарга қулаб тушган. Азият чекканлар орасида чет эл фуқаролари бўлмаган. Полиция ходимининг айтишича, амалдаги автобуслар ниҳоятда эскириб кетган. Кўплаб носозликларга учрайдиган транспорт воситалари деярли жиддий таъмирдан ўтказилмайди. Айни шу сабабдан ҳам бундай воқеалар мамлакатда тез-тез содир бўлиб туради.



**БРИТАНИЯЛИКЛАР БАСРАНИ ТАРК ЭТИШМОҚДА**

Британия ҳарбий қисмлари Ироқнинг Басра шаҳрини тарк этиб, Бағдоднинг жанубий қисмига йўл олишмоқда. 850 кишидан иборат ҳарбий махсус қисм у ерда қаршилик кўрсатётган қуролланган гуруҳлар билан жангга кириши кутилмоқда.

Ироқда фаолият юритаётган Абу Мусиба Заркавийнинг қуролланган жангарилари кўплаб кўпуровчилик ҳаракатларини амалга оширмоқда. Жумладан, британиялик муҳандис Кен Бигли айни шу гуруҳ томонидан ўлдирилган эди. Бундан ташқари, худди шу гуруҳ 24 ёшли япониялик Шосей Кодани қўлга олиб, Япония ҳукуматидан ўз ҳарбий қисмларини Ироқдан олиб

чиқишини талаб қилишмоқда.

АҚШ ҳукумати январь ойларида бўлиб ўтадиган сайловлардан олдин ҳарбийлар сонини кўпайтиришни режалаштирмоқда.

Интернет манбалари асосида Сарвар САЙЁР ўғли ва Матлуба ЁҚУБОВА тайёрлади.

ЎЗМУ ректорати, касабаяушма кўмитаси ҳамда «Чет тиллари» кафедраси жамоаси филология фанлари номзоди Раҳима Широновага онаси

**ЗУХРА аянинг**

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

1-Тошкент педагогика коллежи жамоаси коллежининг психология фани ўқитувчиси Мадалиева Севарага онаси

**САНОБАР аянинг**

вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.




Сешанба куни АҚШ тарихида яна бир унутилмас кун бўлиб қолди. Сабаби аҳоли Америка Қўшма Штатларига кейинги тўрт йил давомида ким раҳбарлик қилишини ҳал этди. Бу кунгача эса, АҚШнинг ҳозирги президенти Жорж Буш ва унинг рақиби сенатор Жон Керри бир неча ой қизгин ўтган сайловодди кампаниясида сайловчиларни «ўз томонига оғдириб олишга» ҳаракат қилди.

қатнашган. 2000 йилги президентлик сайловида 106 миллионга яқин сайловчи иштирок этган бўлса, сешанба куни ўтказилган президентлик сайловида 121 миллион киши овоз бергани айтилмоқда.

Сешанба куни демократлар партиясининг вакили Жон Эдвардс телевидениега берган интервьюсида, бу сафарги сайловларда қатнашганлар сони мисли кўрилмаган даражада кўп бўлиши ва худди ана шу фаолик демократиянинг амалда эканини кўрсатиши ҳақида гапирганди.

Сайловодди кампанияси давомида республикачилар сайловчиларга Бушни халқаро терроризмга қарши кураш етакчиси, солиқларни камайтириш ташаббускори ва анъанавий қадриятларга содиқ раҳбар деб



ялар номзодлари бўлиб, ушбу коллегияга аъзо одамлар сўнгра штат номидан президентни сайлайди. Ҳаммаси бўлиб коллегияга 538 одам киради. Ҳар бир штатнинг аҳолиси сонига қараб, пропорционал равишда коллегия вакиллари сони белгиланади.

Президент этиб сайланиш учун номзод 270 овоз тўплаши керак.

Чоршанбагача Буш 254, Керри 252 овоз олишга муваффақ

**БУШ ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ**

бўлди. Лекин,

ўша куни Керрининг эътироф этишича, ҳатто Огайо штатидаги овозлар санаб бўлинганида ҳам, у кераки овоз тўплай олмаслигини сезган. Шунинг учун мударатидан олдин АҚШ президентлигига Демократлар партиясидан номзод, сенатор Жон Керри ўзининг мағлубиятга учрагани ва Республикачилардан номзод Жорж Буш ғалаба қозонганини эътироф этди. АҚШнинг Массачусетс штатидаги Бостон шаҳрида чиқиш қилган Жон Керри Бушни ғалаба билан қутлаб, — "Натижалар узоққа чўзиладиган суд жараёни орқали эмас, балки сайловчилар томонидан белгиланади. Мен ютишимизга кичик бир имкон борлигини билганимда, ҳеч қачон таслим бўлмас эдим. Аммо ҳозирда ҳатто шартли овозлар санаб чиқилганида, бизнинг Огайо штатида ғалаба қозона олмаслигимиз аниқ бўлди. Шу боис бу сайловларда ютиб чиқа олмаслигимизни эътироф этишга қарор қилдик", — деди.

Халқаро ҳамжамият аъзолари ушбу янгилликка муносабат билдира бошлади. Европа Комиссияси раҳбари Романо Проди Жорж Бушни табриклади. Россия Президенти Владимир Путин ҳам Бушнинг ғалабасини ижобий баҳолади. Хуллас, Буш 274 овоз билан 252 овозни қўлга киритган Керрини ортада қолдириб, АҚШ Президенти этиб сайланди.

Шерзод АХМАТОВ тайёрлади.

**РОБОТЛАР ОДОБНИ ЎРГАНАДИ**

бунинг учун яна 20 йил керак

Буюк Британия тадқиқотчилари Хертфордшира университетининг информатика мактабида "Робот ахлоқи" дарсларини ташкил этди. Мақсад — одамлар билан роботларни юксак ахлоқий мейёрлар даражасидаги ўзаро муносабатларга ўргатиш.

— Биз алоҳида ҳолат ва вазиятларни ҳисобга олиб, мана шундай муомалани эплай оладиган роботларни яратдик. Эндиликда ана шу роботларни инсонни шахс сифатида ҳурмат қиладиган ва унга ҳис-туйғу билан муомала қиладиган тарзда программалаштиришимиз керак. Бунда, албатта, инсоннинг роботларга бўлган муносабатлари ва ҳис-туйғуларини, яъни уларнинг ташқи кўриниши, қандай "юмушлар"ни бажара олиши ва қанақа кўникмаларни эгаллаган бўлиши каби талабларини ҳам жиддий тадқиқ этишга киришганмиз. Бундай изланишларсиз фақат роботларни яратиш мумкин (улар ўтган асрнинг кашфиёти сифатида эскириб қолди), бизга эса, ўзи муомалага киришаётган одамни ўзидек



робот эмас, уни шахс сифатида сезиб, ҳурмат қилиб турадиган, унга муносиб шерик бўладиган "робот-ҳамроҳ"лар керак,—деди профессор Керстин Даутенхан.

Унинг сўзларига кўра, кўп ҳолларда бу роботлар нафақат бир киши билан, балки бир неча кишилардан иборат жамоа билан мулоқотга киришади. Бундай машиналарнинг атрофдаги воқеа-ҳодисаларга нисбатан реакциясини текшириш учун улардан бирига болалар билан "Қўлдан-қўлга" ўйинида иштирок этиш топширилди. У маълум мусиқа сандоси остида ўйналадиган мазкур ўйин шартларини "тушунган" бўлса-да, одобни ўрганиши учун бу роботлар яна йигирма йил давомида такомиллаштирилиши керак, деган хулосага келинди.

Ширин ҚОСИМОВА, ТДШИ қошидаги С.Раҳимов академик лицейи ўқувчиси

Суратда: болалардан муомала одобини ўрганаётган робот акс этган.

# МАҚСАД — САЙЁХЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ

Куни кеча пойтахтдаги 165-мактабда «Ҳосил байрами» бўлиб ўтди. Одатда бу айёмни далаларда меҳнат қилиб, тинмай ишлаган деҳқонлар ўтказишар эди. Аммо биз бу сафар Собир Раҳимов туманидаги мактабда ҳам ушбу байрам нишонланаётганининг гувоҳи бўлдик. Нима сабабдан мактаб жамоаси «Ҳосил байрами»ни ўтказаяпти? Хаёлимиздан ўтган биринчи саволга мактаб директори Дилбар Исанова жавоб бердилар:

— Биз бу байрамни ҳар йили нишонлаймиз. Мақсад — болалар ҳар куни уйларида истеъмол қилаётган табиат неъматларини

## ҲОСИЛ БАЙРАМИНИ ҚАЧОН НИШОНЛАЙМИЗ?

етиштириш машаққатлилигини билишсин. Ушбу тадбир доирасида ўқувчиларимиз ўзаро беллашдилар. Мавзулар эса айнан шу табиат неъматлари ҳақида бўлади.

Тадбир доирасида 6-«Д» ҳамда 6-«Г» синф ўқувчилари ўртасида 5 та шарт бўйича ўтган баҳсларда ўқувчилар полиз экинлари ва меваларнинг хусусиятлари ҳақида сўз юритдилар. «Шундай ҳосил байрамлари орқали ўқувчилар меваларнинг фойдали томонларини билиб олади. Аслида барча мактаб ўқувчилари ҳосил қачон йиғилишини билишлари керак. Шу мақсадда биз ҳам бир неча йилдан буён бу тадбирни ўтказиб келяпмиз», — дейди биология фани ўқитувчиси Халима Аширова.

165-мактабда бундай тадбирлар кўпга ўтказилади. Кушлар байрами, гуллар байрами шулар жумласидандир. 5—6-синфлар ўртасида ҳосил байрами ўтказилса, 7—8-синфлар кушлар байрамини нишонлайди, 9-синф ўқувчилари эса «Наврўз» байрамини таърихлик кўрадилар.

Музаффар АКРОМОВ

Халқаро кўнгилчилар ҳаракати 1920 йилда Европада бир қанча давлатларга биринчи жаҳон урушидан кейин ёрдам бериш, у ердаги шароитни қайта тиклаш мақсадида бошланган эди.

2000 йилда Ўзбекистонга икки нафар япон кўнгилчиси — волонтер ташриф буюрди. Улар ўзбек ёшларига япон тилидан сабоқ беришни бошладилар. Бугунги кунда давлатимизда Япон ёшлари халқаро ҳамкорлик корпуси томонидан келган бир неча япон кўнгилчилари бизнес, таълим, соғлиқни сақлаш, туризм каби соҳаларда фаолият олиб бормоқдалар.

2001 йилда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) катта ёшли, яъни 40 ёшдан юқори бўлган кўнгилчиларга ҳам Ўзбекистонга келиб, ишлаш имкониятини яратди.

Тошкент шаҳрида ўн олти нафар, Нукусда икки нафар, Хивада бир нафар, Навоийда бир нафар, Самарқандда саккиз нафар, Жиззахда бир нафар япон кўнгилчиси JICA яратган имкониятдан фойдаланаётган кишилардир.

Газетамизнинг ўтган сонларида JICA томонидан журналистлар учун пресс-тур уюштирилганлиги ва журналистлар Хива шаҳрида бўлиб, у ерда 2000 йилда иш бошлаган «Бизнес ва туризмни ривожлантириш» маркази иши билан танишганлари ҳақида хабар берган эдик.

JICA (Жайка) юртимизнинг турли вилоятларида бир неча дастур ва лойиҳаларни амалга оширмоқда. Хивадаги лойиҳа эса уларнинг энг йиригидир. Бу ерда япон кўнгилчиси Мисаэ Шинкава марказ раҳбари Одилбек Раҳимов билан биргаликда туризмни ривожлантириш борасида иш олиб бормоқда.

Сўхбат давомида Одилбек Раҳимов бизга куйидагиларни гапирди берди.

—2000 йил Хивада Европа иттифоқини таништириш мақсадида биродарлашган шаҳарлар лойиҳаси амалга оширилди. Бу лойиҳага мувофиқ Даниядаги Стрисбург шаҳрининг туризм соҳасидаги тажрибаларини ўрганиш, уларни юртимизда қўллаш ниятида тўрт нафар мутахассис бир йил давомида Данияда бўлиб, туризмни

ривожлантириш, бу соҳада олиб борилаётган ишларни ўрганиб келдик. 2000 йилда эса «Бизнес ва туризмни ривожлантириш» марказини очдик. Ташкилотнинг асосий мақсади ҳудуднинг иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшиш, Хивага сайёҳларни кўпроқ жалб этиш, мана шу ерда бизнес ва сайёҳликни ривожлантириш бўлган кишиларга ҳар томонлама кўмак бериш, ходимлар малакасини ошириш учун молиявий маблағларни ишлаб топиш ва уларнинг малакасини оширишга ёрдам беришдир. Биз ўз ишимизга хорижлик мутахассисларни таклиф қилиб, улар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. JICA томонидан бизларга бириктирилган Мисаэ Шинкава ана шундай ишончли ҳамкорларимиздан биридир. Ўтган давр мобайнида бир неча хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор лойиҳаларни амалга оширдик. 2001 йилда Даниянинг Веб шаҳрида жойлашган Фолькен университети билан ҳамкорликда Дания демократик фондидан грант олиб, 12

нафар ўрта ва кичик бизнес ходимларининг Данияда малакасини оширишига имконият яратдик. 2002 йилда JICA томонидан эълон қилинган «Ўзбекистонда ҳудудий туризмни ривожлантириш» лойиҳасига асосан уч ой давомида Японияда бўлиб, малака ошириб қайтдим. Уч йил аввал JICA амалга татиб қилган лойиҳага асосан шу кунгача 30 нафар соҳа ходими кунчиқар мамлакатда малакасини оширди. Японияда ўрганган тажрибаларим асосида Хивада, аниқроғи, Ичан қалъада «Сайёҳлик ахборот офиси»ни ташкил қилдик. Офисдаги ишни олиб боришда, у ерни сайёҳларга танитишда япон мутахассислари, хусусан, Мисаэ Шинкава яқиндан ёрдам берди.

JICAning яна бир ёрдами шунда бўлдики, ташкилот бизнинг марказимизга 28 минг долларлик компьютер, нусха кўчириш аппарати каби техник воситалар ажратди.

Хивада журналистлар учун ўтказилган матбуот анжуманида Хива ҳокими Матёкуб Мадаминов қатнашиб, бугунги кунда шаҳарда туризмни ривожлантириш борасида

олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб ўтди.

Сўнгги икки йилда сайёҳларни бу қадимий гўшага жалб қилиш ниятида кўпгина тадбирлар амалга оширилди. Хивани сайёҳларга таништириш мақсадида тўрт тилда — инглиз, немис, япон, француз тилларида китоб нашр этилди. Хива рекламасига 4000 доллардан зиёд маблағ сарфланди. Шу кеча кундузда шаҳарда 200 ўринли давлат меҳмонхоналари, 300 ўринли тадбиркорлар томонидан очилган меҳмонхоналар ишлаб турибди. Айниқса, «Khiva Asia», «Хива Маликаси» каби меҳмонхоналар жаҳон талабларига жавоб берадиган тарзда жиҳозланган. Шунингдек Ичан қалъа ЮНЕСКО тасарруфига киритилган. Дишан қалъанинг 100 метрлик девори ЮНЕСКО ажратган маблағ ҳисобига таъмирланмоқда. «Агар, биз ажратилган 150 минг долларлик маблағни тўғри сарф этиб, 100 метрлик жойни ЮНЕСКО талаблари даражасида қайта таъмирлай олсак, қалъанинг 6600 метрлик деворини ҳам таъмирлаш учун ЮНЕСКО ажратадиган маблағга эга бўламиз», дейди Хива ҳокими Матёкуб Мадаминов.

Хива шаҳрини бутунлай ЮНЕСКО тасарруфига киритиш мақсадида ҳам иш олиб борилаётган. «Хоразм олтин халқаси» лойиҳаси мана шу ниятлар сирасига кирди. Лойиҳага асосан 2005 йилда Эллиққалъа, Ҳазорасп, Хива, Нукус, кўхна Урганч ҳудудларида археологик қазилма ишлари олиб борилади ва янги сайёҳлик йўналиши иш бошлайди. Бу лойиҳада «Бизнес ва туризмни ривожлантириш» маркази мутахассислари иштирок этишади.

Ичан қалъани томоша қилишга чоғланган журналистлар бу ерда ҳам кўпгина маълумотларга эга бўлишди. Пахлавон Маҳмуд зиёратгоҳи, тарихи минг йилликлар билан боғланадиган Жума масжиди, Кўхна Арк, Қалта минор каби меъморий обидаларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз.

JICA уюштирган пресс-турдан барча журналистлар кўпгина янгиликлар ва бой таассуротлар билан иш жойларига қайтдилар.

Шарифа МАДРАҲИМОВА,  
«Ma'rifat» мухбири



JICAning ҳамкори бўлган «Go! Fly! Wheelchairs» жамоатчилик ташкилоти, мана олти ярим йилдирки, дунё миқёсида шол касаллигига чалинган болаларга ўз кўмагини уюштириб келади. Улар ёрдамида ҳозиргача 45 мамлакатдаги 900 нафар ана шундай беморларга ногиронлар аравачалари ҳада этилди. Яқинда «Умр» болалар ва ўсмирлар соғломлаштириш маркази билан ҳамкорликда ва O'zLiDeNнинг Урта Чирчиқ тумани бўлими ҳомийлигида тумандаги икки оёқсиз қолган болакайлар—Жавохир ва Умидлар «Go! Fly! Wheelchairs»нинг ёрдамини қабул қилиб олди. Мехр-мурувват тадбирида туман ХТБ, ташхис маркази, хотин-қизлар кўмитаси, таълим муассасалари раҳбарлари ҳам ўз ҳиссалари билан иштирок этди.

Суратда: совға олган болакай онаси билан.

## НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ 2004 ЙИЛ УЧУН ДОКТОРАНТУРА ВА АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

### ДОКТОРАНТУРАГА:

1. 13.00.02-Ўқитиш назарияси ва методикаси (фан тармоқлари бўйича)

### АСПИРАНТУРАГА:

1. 10.02.06-Туркий тиллар (ўзбек тили)
2. 13.00.01-Педагогика назарияси ва тарихи
3. 13.00.02-Ўқитиш назарияси ва методикаси (фан тармоқлари бўйича)
4. 23.00.01-Сиёсий фан назарияси ва тарихи

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда аспирантурага ўқиш учун 35 ёшгача бўлган, докторантурага 45 ёшдан ошмаган, танлаган ихтисослиги бўйича олий маълумотли ёки магистратурани битирганлар қабул қилинади.

Аспирантурага кириш танловида қатнашиш учун ректор номига ариза билан куйидаги ҳужжатлар топширилади; ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, таржимаи ҳол, охириги иш жойидан тавсифнома, дипломнинг нотариус томонидан тасдиқланган нусхаси ҳамда диплом иловасидан кўчирма, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, эълон қилинган илмий ишлар бўлмаган талабгорлар ихтисослиги бўйича 20-25 бет ҳажмда илмий маъруза (реферат), тиббий маълумотнома (У-086 шаклда), 3x4 ҳажмдаги 4 та расм.

Ариза ва ҳужжатлар эълон қилинган кундан бошлаб 2004 йил 25 ноябргача қабул қилинади.

Кўшимча маълумот олиш учун Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректорига (152-74-39), аспирантура бўлимига (манзил: 700100, Тошкент шаҳри, Юсуф-Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй) мурожаат этишлари мумкин.

Тошкент  
шаҳар Миробод  
тумани  
темирўл  
қарамоғидаги  
40-мактабнинг  
1969 йил  
битирувчилари  
(35 йил)  
йиғилиши шу  
йилнинг 20  
ноябрида бўлиб  
ўтади. Барча  
собиқ  
синфдошларни  
мактаб  
биносида бўлиб  
ўтадиган  
учрашувга  
таклиф этамиз.  
ТАШКИЛИЙ. КҮМИТА

**БИР ОЙДА ЎТТИЗ УЧ ОЧКО**

Дунё бўйича профессионал шахматчиларнинг 1 ноябргача бўлган янги рейтинг жадвали эълон қилинди. Бунда шахматчиларнинг 2004 йил октябрь ойидаги йирик мусобақалар-клублар ўртасида Европа чемпионати ҳамда жаҳон шахмат олимпиадасида қайд этган натижалари ҳам инобатга олинди. Рўйхатнинг биринчи поғонасини 2741 рейтинг очкосига эга бўлган машҳур россиялик шахматчи Г.Каспаров эгаллади. Ҳиндистонлик В.Ананд ҳамда россиялик А.Моразевичлар кейинги ўринларда қайд этилган. ФИДЕнинг амаддаги жаҳон чемпиони Р.Қосимжонов халқаро турнирлар ва жаҳон шахмат олимпиадасидаги муваффақиятли ўйини туфайли кучли йигирматаликдаги шахматчилар орасида энг кўп-ўттиз уч очко қўшди ва 2653 рейтинг очкоси билан профессионал шахматчилар орасида ўн биринчи ўринни эгаллаб турибди.

**МЕҲМОНЛАР ҒОЛИБ БЎЛДИ**

Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрида МДХнинг ўнга яқин фахрий футболчилари жамоаси ўртасида анъанавий турнир бўлиб ўтди. Кўп йиллар яшил майдонларда тўп сурган фахрийларнинг мусобақаларида Киев (Украина)нинг «Динамо» клуби ғолибликни қўлга киритди. Кейинги ўринларни Навоийнинг «Зарафшон», Самарқанднинг «Фортуна» жамоалари эгаллади.

**АНЪАНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ**

Жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан бой ва баркамол шахсларни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, маданий ва эстетик эҳтиёжларини қондиришда А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОИда амалий ишлар қилинаётганлиги, спорт шаҳарчаси ташкил этилганлиги алоҳида эътиборга моликдир.

Бундан 4 йил муқаддам ҳам қайта тайёрлаш, малака ва билим, кўникмаларимизни оширишга келганимизда жисмоний тарбия билан шуғулланиш, маданий хордиқ чиқаришга эҳтиёжimiz бўлса-да, шароит йўқлигидан хуноб бўлгандик. Бу гал эса, бутунлай ўзгача шароит, қулайлик муҳайё этилганлигидан малака, билим кўникмаларимизни тўла ошириш, янгилаш, чуқурлаштиришга эришдик. Маънавий-маърифий, маданий соҳаларда кўпгина тadbирлар ўтказилди. Халқ шоиру-шоиралари — Ҳали-

ма Худойбердиева, Жуманиёз Жабборов, Фарида Афрўз ижодлари, ХТВ тасарруфидаги газеталар, журналлар бош муҳаррирлари билан учрашувлар ўтказилгани бир умр ёдимизда қолади.


Айниқса, институт миқёсида ички оммавий спорт мусобақаларининг 5 та спорт тури бўйича ўтказилиши қизиқарли бўлди. Барча мусобақа турларини Низом асосида ўтказишда институт жисмоний тарбия катта ўқитувчиси Муҳаммаджон Туркменовнинг ҳиссаси катта бўлди. Ғолиблар институтнинг фахрий ёрликлари билан тақдирландилар. Умумжамоа ҳисобида ЧЁТ (чақириққача ёшларни тарбиялаш) жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўринни хорижий тиллар ихтисослиги бўйича директорлар гуруҳи, учинчи ўринни ёш директорлар гуруҳи эгаллади.

Қизлар ўртасида бадминтон мусобақасида ташхис маркази

дефектологлари махсус курси тингловчиси Руфина Юсуповага тенг келадиган рақиб топилмади. У институт мутлақ чемпиони бўлди. Армрейстлинг мусобақасида ғолиблик зобитлардан ташкил топган ЧЁТ раҳбарлари гуруҳига насиб этди. Барча оғирлик вазн тоифасида улар карвонбоши бўлди. Мутлақ чемпионлик Н.Аҳмедовга насиб этди. Бу оммавий спорт мусобақалари бутун курс давомида ташкил этилди. «Соғлом ва бақувват бўламан десангиз» шiori остида ўтказиладиган бу мусобақалар А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОИга ҳар ойда келадиган янги курс тингловчилари ўртасида ўтказилиши анъанага айланади, деган умиддамиз.

**Кўбай БЕРДИЕВ,**  
Нарпай тумани ХТБ методика кабинетини услубчиси

**accels**



**"ЎҚИТИШДАГИ АЪЛОЧИЛИК МУКОФОТИ" ДАСТУРИ**

**Инглиз тили ўқитувчилари диққатига!**

**Агар Сиз**

● 2005 йилнинг ёзида АҚШнинг диққатга сазовор жойларига ташриф буюриш, америкалик ўқитувчилар билан учрашиш, инглиз тилини янада такомиллаштириш, компьютерда ишлашни мукамал ўрганиш, АҚШ ва унинг ўқитиш услублари билан танишиш имкониятини берадиган 7 ҳафталик малака ошириш семинарида қатнашишни...

● Синфингиз ва мактабингиз учун мукофот (компьютер, принтер, ксерокс машинаси, аудиомагнитофон, инглиз тили дарсликлари, кассеталар, луғатлар ва ҳоказо) ютиб олишни...

● Республикада энг яхши инглиз тили ўқитувчиларидан бири бўлишни **истасангиз,**

У ҳолда АКСЕЛСнинг қуйидаги шаҳарларда жойлашган офисларидан анкета олиб, тезда тўлдиришингиз ва **2004 йил 3 декабргача** топширишингиз керак.

742000, Нукус ш.,  
Сараев кўчаси, 1, 2-қават  
(361) 222-89-57, 222-88-67

700031, Тошкент ш.,  
Конституция кўчаси, 68.  
Тел.: (371) 152-12-81, 152-12-86

703000, Самарқанд ш.,  
Университет кўчаси, 15,  
СамДУ, 11-хона  
(3662) 31-18-16, 31-22-08

716000, Наманган ш.,  
Дўстлик кўчаси, 12,  
Академик Лицей  
(36922) 4-53-32, 4-49-31

**Қатнашиш шартлари:**

- Инглиз тили ёки АҚШ мамлакатшунослиги ўқитувчиси бўлиш;
- Ҳозирги пайтда ўрта мактаб, лицей ёки гимназияда дарс бераётган бўлиш;
- Кейинги икки ўқув йили давомида мактабда ишлаш ниятига эга бўлиш;
- Камида 3 йиллик ўқитиш тажрибасига эга бўлиш;
- Сўнгги беш йил ичида Америка ҳукумати томонидан ҳомийлик қилинган дастурларда қатнашиб, АҚШда 1 ойдан кўпроқ яшаган бўлмаслиги керак.

**Ушбу дастурга АҚШ Давлат Департаменти ҳомийлик қилади**

Гувоҳнома №49

**БИРИНЧИ ТҮРНИР**

«Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси ёш авлод ўртасида стол теннисини янада оммалаштириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон стол теннис федерацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ва Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда I республика болалар турнирини ташкил қилди. Турнирда 13 ёшгача бўлган эллик нафардан зиёд ўғил-қиз ғолиблик учун кортга тушади.

Стол теннис мустақиллик йилларида ривожланиш палласига кирди. Бугунги кунда 10 минг нафардан зиёд ўғил-қиз чаққонлик, аниқлик ва тезликка асосланган мазкур спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Турнирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитаси раиси Р.Қурбонов иштирок этди.

**О.СУЛАЙМОНОВ**

**ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТИШНИ КЎЗЛАБ**

«Соғ танда соғлом ақл» деганларидай, сўнгги йилларда спортга бўлган эътибор кучайтирилди.

Лицейимизда мавжуд бўлган спорт майдончаси қайтадан таъмирланиб, керакли анжомлар билан жиҳозланди. Қисқа қилиб айтганда, лицейда спортга бўлган эътибор баланд. Яна бир нарса, устозларимиз кузги таътилни мароқли ўтишни таъминлаш мақсадида, туманимизнинг собиқ ҳокими, марҳум С.Қодиров хотирасига бағишланган спорт мусобақасини ўтказишни режалаштирмоқдалар. Унда ҳар бир синф ўқувчилари бир-бирлари билан ўзаро беллашадилар. Таътилимизнинг мароқли ўтиши учун ўз меҳнатини аямай, ёрдам бераётган устозларимизга миннатдорчилик билдираемиз.

**Жасурбек МИРЗАЕВ,**  
Улуғнор туманидаги  
16-лицейнинг 11-синф ўқувчиси

**ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №622-Ф сонли қарорига асосан 2004 йил 10 ноябрдан 10 декабргача Ўзбекистон республикасида ёнгин хавфсизлиги ойлиги деб эълон қилинади. Сиз ёнгин хавфсизлигига тўла риоя қилишингиз билан давлат ва ўз мулкингиз дахлсизлигини сақлаган ва атрофингиздагилар ҳамда ўз ҳаётингизни асраб қолган бўласиз. Сергели тумани ёнгин хавфсизлиги бўлими сизларни бу ойда фаол иштирок этишингизни сўрайди.

**Сергели тумани ИИБ**  
ёнгин хавфсизлиги бўлими

## Iqror

Эрталаб хабар келди. Олтимишдан ошган амаким дунёдан ўтибдилар. Ўлим ҳақ. Чидашдан бошқа илож йўқ. Бундан олсам-да, бир муддат эсанкираб қолдим. Улимларидан чамаси бир ойлар олдин суҳбатлашганимда, авлодлар шажарасини ёзамиз, биздан кейингиларга мерос бўлади. Қарасам, катталардан камчилиқ қолибмиз. Қолганлардан ҳаммасини аниқлаштириб олам, сен ёзасан, дегандилар. Ушанда

## РОЗИЛИК

«хўп» дегандим-у, уларнинг бунчалик тез ўша рўйхатга кириб кетишларини билмагандим.

Бугун ўйлайман. Ушанда ўз ишларимга ўралашиб қолмай, уларнинг айтганларини қилганимда, ҳозир армонда қолмасдим. Беарво бўлмай, улар билан бирга ҳаракат қилиб рози қилсам бўларди-ку. Шу воқеа сабаб розилик ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўришга мажбур бўлдим. Кўпчилигимиз розилик деганда, ўлим олтидан сўраладиган розиликни тушунамиз. Аммо бунга жиддийроқ қарасак, уни сўнгги манзилгача олиб бориш шарт эмаслигини англаймиз. Бир муаллима аёл билан шу мавзуда суҳбатлашганимда, шундай деганди: «Мен ҳар куни уйку олтидан турмуш ўртоғим ва фарзандларимдан розилик сўраб кўяман. Ажабланманг, эртага қайтиб ўрнимдан тура-

манми-йўқми бундан Яратгандан бошқа ҳеч ким билмайди-ку, ёки сиз биласизми?» Очиғи, бу аёлнинг гаплари менга эриш туялганди. Бироқ ҳақиқатан ҳам ҳар куни бўлмаса-да, гоҳ-гоҳида бу тушунчани эслаб турсак, балки молу бойлик илжинида бир-биримизни норози қилмасдик?

Бир қиз ҳикояси. «Келиноийм бозордан бир челақ мева олиб келиб сотувчи билан талашиб-тортишиб ярим баҳосига олганларини айтдилар. Улар қилган ишларидан хур-

санд эдилар. Аммо тасодифан челақ тўкилиб ҳалиги мева ер билан битта бўлди. Энди уни еб бўлмасди. Келиноийм эгаси норози бўлган экан-да, деб афсусландилар».

Ҳаётда бундай мисолларга кўп дуч келамиз. Розилик ҳақида мулоҳаза қилар эканман, ота-она, қариндош-уруғ, таниш, нотанишлар розилигига эришиш учун ҳали кўп нарса қилишим кераклигини англадим. Энг асосиysi, инсон ўз-ўзидан рози бўлса, кимга фойдам тегию кимни ранжитдим, деб ўзига ҳисоб берса, ўзгалар розилиги йўлида биринчи қадамни қўйган бўлади. Ҳаммамизга бир-биримиздан ва ўзимиздан рози бўлишлик насиб этсин. Шундагина уйқумизда ҳаловат, кўнглимиз тинч бўлади.

Зухра БОБОХЎЖАЕВА

Шундай  
ДАРАХТЛАР БОР...

Нон дарахти деб, меваси яшил-сарғиш, усти гадири-будур, юмалоқ, кўндалангига 30 см, оғирлиги 16—20 кг атрофидаги фақат эти истеъмол қилинадиган, Янги Гвинея мамлакатида ўсадиган Артокарпус — доимо ям-яшил кўкариб турадиган дарахтга айтилади.

Ёғ-мой дарахти эса уруғи қийин эрийдиган ёғ билан қопланган, қайта ишлангандан кейин Хитой ўсимлиги ёғи аталиб, совун, шам, Европага савдога чиқариладиган, хўлланмайдиган матолар тайёрлашда фойдаланиладиган Хитойнинг марказий қисми, Тайван ва

## Bilasizmi?

Хиндистонда ўсадиган, бўйи 8—10 метрлар атрофидаги Сапиум дарахтидир.

Сигир дарахти деб, танаси кесилганда оқадиган сутсимон шираси сигир сутига ўхшайдиган, бироз қуюқ, таркиби бошқача бўлган, танаси суюқлик ажратадиган, ўзи Американинг жанубида тропик ўрмонларда ўсадиган, ёнгоининг мағзидан нон тайёрлаб, маҳаллий аҳоли истеъмол қиладиган Бросимум фойдали дарахтини аташди.

Забохон МЎМИНОВА,  
НамДУ кимё-биология  
факультети талабасиKo'ngil  
bitiklari

## МУАЛЛИМ

Кадам кўйдик нурли  
масканга,  
Илму одоб йўлидан бордик.  
Чин дўст топдик, оқил,  
мехрибон,  
Муаллимлар меҳрига  
қондик.


Ўз касбига садоқат билан,  
Яшар доим бу азиз зотлар.  
Айтган ҳар бир сўзин,  
ибратин  
Дилларимиз такрорлар,  
ёдлар...

Сизга таъзимдамиз  
мунтазам,  
Доим ҳамроҳ ўғитларингиз.  
Ҳар бирингиз бизга  
муаззам,  
Қалбларимиздадир ёдингиз.

Мухлиса ЗОКИРОВА

## УЧ ҲАРФЛИ ЧАЙНКРОССВОРД

1. Орол денгизига қуйиладиган дарё. 2. Саид Аҳмад романи. 3. Ёгин. 4. Маъдан. 5. Мактуб. 6. Миллий кийим. 7. Энг азиз неъмат. 8. Мева. 9. Денгиз жонзоти. 10. Оғиз бўшлиғидаги аъзо. 11. Исломдаги мазҳаб. 12. ... Садо. 13. Тартибли қатор. 14. Хартумли ҳайвон. 15. Бўёқ. 16. Етти хил рангдан бири. 17. Йил фасли. 18. Билим чашмаси. 19. Кийим қисми. 20. Тарихий вақт ҳисоби. 21. Европадаги давлат пойтахти. 22. Рангли металл. 23. Йиртқич қуш. 24. Миллат. 25. Чорва маҳсулоти. 26. Озуқа баргли дарахт. 27. Учни русча ифода-



си. 28. VII гуруҳдаги кимёвий модда. 29. Азов денгизига қуйиладиган дарё. 30. Пиёз нави. 31. Ёруглик манбаи. 32. Дуккакли экин. 33. Тошкентнинг эски номи. 34. Хурсандчилик. 35. Олқиш. 36. Бузруквор. 37. Гувоҳлар имзолаган ҳужжат. 38. Озиқ-овқатга таъм берувчи модда. 39. Грек ҳарфи. 40. Муסיқа сози. 41. Озуқа экини. 42. Геометрик шаклли айланма жисм. 43. Хавфли касаллик. 44. Бильярд таёғи. 45. Заҳарли ҳашарот. 46. Пайғамбар. 47. Муסיқа асари. 48.

... — ука.

Тузувчи: Турсунали ҒАНИЕВ

Эслатма: уч ҳарfli чайнсканворд  
илк бор тайёрланмоқда.ЎЗБЕКИСТОНДА ГЛОБУСЛАР  
ИШЛАБ ЧИҚАРИЛА БОШЛАНДИ!

XI аср бошида Буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний сайёрамиз думалоқ шаклда эканлиги ҳақидаги кашфиётни инсониятга тақдим этган эди. Минг йиллик танаффусдан сўнг бизнинг корхонамиз ҳамюртларимизга ўз миллий тилимиздаги илк глобусларни тақдим этиш бахтига муяссар бўлди.

Вазирлар Маҳкамаси қошидаги «Картография» илмий ишлаб чиқариш корхонасида нашр қилинган харита асосида ишлаб чиқарилган бежирим, сифатли, барча илмий талабларга жавоб берадиган лотин имлосидаги сиёсий-маъмурий глобуслар (масштаб-1:50.000.000) тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчи корхонадан пул ўтказиш йўли билан сотилади.

ГЛОБУС  
ТАГЛИГИДАН

1. Сайёрамиз ҳақидаги умумий таъриф;
2. Дунё аҳолиси;
3. Жаҳон макроҳудудлари ва экология;
4. Ирқ ва динлар тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган.

Манзил: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Геофизика кўрғони, 43-йўналишли микроавтобуснинг сўнгги бекати  
Тел: 8-371-155-24-63, 161-34-68, 330-34-68. Факс: 64-08-15  
Хусусий тадбиркор «Исроилов Дилмурод Зокирович»

## МЧЖ «МУЗАННИВ-РАССОМ»

Тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари учун зарур бўлган геометрик шакл ва гипсли розеткалар, турли мева ва сабзавотлар шакли муаянни, ҳайкал ва унинг бўлаклари, рангли графика (мат)лари, расм ва чизмачилик дастгоҳлари (мольберт)ни тавсия этади.  
Буюртма бўйича бюстлар тайёрлайди.  
Тўлов шакли пул ўтказиш ёки нақд пул орқали амалга оширилади.

Манзил: Қушбеги мавзеси, 11-а.  
Телефонлар: 50-32-72, 54-80-13, 108-86-74.

## Xullas...

ТЎТИҚУШ ЁНҒИННИ  
БАРТАРАФ ҚИЛДИ

Чексиз бу оламнинг қайсидир нуқтасидаги қайсидир хонадонда яшовчи тўтиқуш кўпқаватли турар жой биносини ёнғин балосидан қутқариб қолди. Бу эса ҳақиқатан ҳам мўъжиза. Воқеа тафсилоти бундай.

Меҳмонга отланаётган уй бекаси кўйлагини дазмоллади, дазмол ўчирилмаганига эътибор ҳам бермади. Қанчадир вақт ўтиб, дазмол кўйилган одеял тутаб, хонада ёқимсиз ҳид тарала бошлади. Уй эгаларининг қачон қайтиши номаълум. Уйда тўтиқушдан бошқа тирик жонзот йўқ. Тутаётган одеял бутун уйни димиқтириб ташлади. Ақл бовар қилмас ҳодиса, тўтиқуш тутунни кўриб «Ёнғин» деб қичқира бошлади. Қушнинг безовта бўлиб гапириши кўшчиларга эшитилган. Зудлик билан ёнғин хизмати идорасига кўнғироқ қилиниб, яшин тезлигида ўт ўчириш машинаси етиб келди.

Кўнғилсиз ҳодиса бартаараф этилди. Димиққан квартира ва кўйиб кетган одеялни ҳисобга олмаганда, ҳамма нарса ўз ҳолича сақлаб қолинди.

... Меҳмондан қайтган эрхотин тўтиқуш асраганлари учун Худога шукр қилдилар. Таажубланарлиси шундаки, тўтиқуш одатда айтилган гапни фақат такрорлар эди. Бу сафар унга ҳеч ким «ёнғин» сўзини айтмаси-да, ноҳус воқеага ақли етиши чиндан ҳам ажабланарли.

МЎЪЖИЗАКОР  
ФАВВОРА

Хотиржамлик бахш этувчи ва маълумот тарқатишнинг қулай воситаси фавворалар экан. Голландиянинг Роттердам шаҳрида яшовчи рассомлардан бири бундан исботлашга ҳаракат қилди.

У яратган фаввора-дисплейда валюталарнинг бугунги курси кўрсатилади. Мўъжизакор бу техниканинг баландлиги 5 метр ва эни 4 метрдан иборат. Иена, евро ва долларнинг амалдаги нархи деярли ҳар беш дақиқада интернет орқали янгиланиб туради.

Ихтиро ижодкори маълумот қабул қилувчиларга энг сўнгги ахборотни эълон қилишидан мамнунлигини изҳор этмоқда. Бу телевизор ва радиога нисбатан ҳам тезкор. Маълумотнинг сув қурилмаси орқали узатилиши ва атрофга об-ҳаёт зарчаларининг сочилиб туриши кишиларда кўтаринки кайфиятни пайдо қилади, деб ёзади бу ахборот тафсилотини олмонларнинг «Нахрихтентехни ше цайтширфт» журнали.

ana shunaqa  
gaplar

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида  
Лилия БИНАШЕВА  
ва Милоҳат ТОШОВА  
саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акционерлик компанияси  
босмаҳонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон»  
кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.  
Топширилди — 21.00.

## Ma'rifat

ТАБСИС  
ЭТУВЧИЛАР:  
Ўзбекистон Халқ  
таълими вазирлиги,  
Ўзбекистон Олий ва  
ўрта махсус таълим  
вазирлиги, Ўзбекистон  
Таълим ва фан ходимлари  
касаба уюшмаси  
Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:  
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ,  
Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром  
БУРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),  
Шукур ЖОНБОВ, Фахриддин  
КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой  
МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ,  
Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир-  
нинг биринчи ўринбосари), Хулқар  
ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ,  
Саъдулла ҲАКИМОВ, Уткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигида  
№ 024 рақам билан 2003 йил  
17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-128.  
Тиражи 19595. 1 2 3 5 6  
Ҳажми 4 босма табоқ.  
Офсет усулида босилган, қоғоз  
бичими А-3.

Набатчи муҳаррир:  
Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.  
Набатчи:  
Азиз НОРҚУЛОВ.

«Ma'rifat»-дан материалларни кўчириб босиш  
таҳририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт.  
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга  
қайтарилмайди.

белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент,  
Матбуотчилик кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий  
таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мак-  
табдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —  
136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янги-  
ликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим  
янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбага йўналти-  
риш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими —  
136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.